

КИРИБ КЕЛАЕТГАН ЯНГИ — 2002 ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 152—153 (9.649-9.650) 2001 йил 28 декабрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан 27 декабрь куни мамлакатимизга Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ташриф буюрди

Сўнгги вақтларда Марказий Осиё дунё ҳамжамиятининг диққат марказига айлиб қолгани сир эмас. Қўшни Афғонистондаги воқеалар дунё давлатлари диққат-эътиборини минтақамизга тортди. Террор, нарқобизнес, экстремизмнинг уясига айлиб қолган Афғонистон бугун бу иллатлардан ҳоли мамлакатда айланмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон раҳбари юртдан оқилона сивасатининг муҳимлиги Марказий Осиёга эмас, дунё хавфсизлиги нўқтай назардан ҳам халқроқ майдонда юқори баҳоланмоқда.

Тошкент ҳаммаша тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган долларб урчушулар мезбони бўлиб келган. Айни пайтда Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатларни белгилашда узига хос марказга айланиб қолди. Илгари ҳам тўрт мамлакат президенти Тошкентда учрашиб, минтақада юзага келган долларб муаммолар юзасидан фикрлашган, йиғилиб қолган иқтисодий, ижтимоий,

маданий соҳаларга оид масалаларни ҳал қилган эди.

Бу галги Тошкент саммити ҳам, таъкидланганидек, Ўзбекистон ташаббуси билан уюштирилди. Ундан қўзланган мақсад икки ва кўп томонлама алоқалар қўлимини янада кенгайтириш йўлларини излаш билан бирга, 11 сентябрь воқеаларидан кейин дунёда юз бераётган ўзгаришларни, бу ўзгаришларнинг минтақамизга қўрсатиши мўмкин бўлган таъсирини таҳлил этиш, тегишли хулосалар чиқариш, ўзаро фойдали қарорлар қабул қилишдан иборатдир.

Тўрт мамлакат давлат раҳбарларининг Дўрмон учрашувида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. 28 декабрь куни президентлар музокараларини давом эттиради.

(ЎзА). Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАНМОҚДА

27 декабрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов икки кунлик расмий ташриф билан мамлакатимизга келди

Дўрмон қароргоҳида Тожикистон Президентини расмий кўтиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди, икки мамлакатнинг давлат маҳжурлари янгради.

Қароргоҳда Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Имомали Раҳмоновнинг юртимизга бу галги ташрифи яқин қўшнчилик, дўстлик ва турли жаҳаллардаги шеркчиликимиз янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

Президентларнинг дўстона мулоқоти чоғида асосий эътибор давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни ўзаро манфаатли асосда ҳар томонлама ривож топтириш, хусусан, савдо, иқтисодиёт борасидаги, давлат чегараларини делимитация қилиш, транспорт коммуникацияси, сув-энергетика, фан, маданият, таълим, ахборот соҳаларида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига қаратилди. Шунингдек, Афғонистонда кечайтган ўзгаришлар, минтақавий хавфсизлик, халқроқ терроризм билан боғлиқ масалалар баътафсил муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислам Каримов Тожикистон раҳбарини юртимизга ташрифи билан кўтлар экан, бу ташриф ўзаро муносабатларимизни янги босқичга олиб чиқадиган му-

ҳим воқеа эканини таъкидлади. Имомали Раҳмонов Янги йил арафасида Тошкентда меҳмон бўлиб турганидан мамнуният изхор этиб, Тожикистон делегациясини юксак даражада кўтиб олгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Кенгайтирилган тартибдаги музокараларда икки мамлакат расмий делегациялари савдо-иқтисодий ҳамкорликка доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилди.

Дўрмонда ўтган музокараларда Президентларнинг икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш бўйича ҳуқуқматлараро қўшма комиссия тузиш, яқин вақт ичида унинг биринчи мажлисини ўтказиш тўғрисидаги қарори айни мўддао бўлди.

Ўзбекистон томонининг таклифига биноан, икки мамлакатда телевидение дастурларининг ўзаро намойишини йўлга қўйиш ҳақида ҳам келишиб олинди.

Музокаралар якунида Президентларнинг Қўшма Бяеноти қабул қилинди.

Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда музокаралар натижалари, икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик масалалари хусусида гап борди.

(ЎзА).

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Кахрамони

Қ У Ш Л О В

Йиллар ўтаёттир пояма-поя,
Йиллар — умидларга оташин чароғ.
Замон-ку фазода билмас нўҳоя,
Ўтган фурсатлар ҳам қайтмағай бироқ.

Умрдан йил ўтса, яширмоқ нечун,
Юрак симоб янглиг титрағай ҳар гал.
Устоз луфт этгандай, ҳар фурсат учун
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Кечган ҳар онингга назар солсанг гар,
Шоирнинг шох сатри раводир балким,
Олтин уйди ахир фазолар қадар,
Менинг бобо юртим, азамат халқим.

Ҳали офтоб ишга шимармасдан өнг,
Ҳали Зухро кўқдан бўқанда яқаш,
Туманли далалар қўйида кездинг,
Менинг сингилгинам, мўнис, жафқоқаш.

Сенинг меҳнатингдан тупроқ очиб зар,
Ватаним беқийс бўстон бўлғуси.
Сенинг шавқатингни ёзаверсан гар,
«Шоҳнома» янглиг бир дoston бўлғуси.

Мадху санолардан хижолат каби,
Қизларнинг ёноғи ёнади гулгун.
Бу кўҳна оламнинг ҳар тўрт тарафи,
Не ажаб, қутласа сизларни бугун.

Бунчалик шон-шўҳрат учрамас тайин,
«Минг бир кеча»ларнинг афсонасида.
Юртим, сени яна қутлаб қўяйин,
Кутлўғ Янги йилининг остонасида.

Мангулик водийси узра билмай ҳад,
Йиллар-ку югуриб ел каби ўтгай.
Халқим, юксалавер офтобдай баланд,
Кутлўғ замон сенга елкасин тутгай.

Сенинг шавқатингни улуғлаб юрсин,
Буюк анжуманлар, олтин сатрлар.
Тегрангда лол қотиб, бош эғиб турсин,
Ўтган ва ўтажақ йиллар, асрлар.

Арча байрами қувноқ ўтади



Илгари хабар берганимиздек, хай-рли аънаанага мувофиқ

ЭРТАГА

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Президент арчаси» болажонлар учун Янги йил байрам томошалари бошланади ва у 30, 31 декабрь кунлари ҳам давом этади.

Бу гал ҳам одатдагидек, болажонларимизнинг энг қувноқ, кўнглили байрамларининг эсда қоларли тарзда ўтиши учун кенг қўламдаги ташкилий-тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, «Президент арчаси» байрам томошаларига ташриф буюрган Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари, қариноқлари қарамогидоги болалар «Томоша» болалар фольклор театр студияси ижросида Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон сенбарийси асосида «Эртақлар — яхшиликка етаклар» номли эзугликнинг ёвузлик устидан галаба қозониши акс этган сахна асарини томоша қиладилар. Болажонларга Президентнинг Янги йил совгалари топширилади.

«Президент арчаси» Янги йил томошалари республикамизнинг барча вилоятларида 8 январга қадар давом этади.

(Ўз муҳбиримиз).

СУРАТЛАРДА: болалар қувночи,
Сергей Любич олган суратлар.



XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Олий Мажлисининг **кеча** бўлиб ўтган Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси йиғилишида «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижроси муҳокама қилинди.
- Олий Мажлис томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонунни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди.
- **Кеча** Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идораларчи мувофиқлаштирувчи кенгаши қўнунчилик ва ҳуқуқий - норматив базани тақомиллаштириш комиссиясининг жорий йилдаги фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси БМТ Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилотининг «Тинчлик устуни» соврини билан тақдирланди.
- Пойтахтимиздаги «Турон» кутубхо-

насига Очиқ жамият институтининг «Қумак» жамғармаси билан «Устоз» жамғармаси грантлари асосида 5 мингдан ортиқ газета-журналнинг электрон нўسخаси топширилди.

• **Кеча** Миллий матбуот марказида Халқроқ кураш ассоциациясининг йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Жаҳонда

- Москвага ташриф буюрган Беларусь Президенти Александр Лукашенко Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди. Сўхбат чоғида қатор иқтисодий муаммолар устида фикр юритилди.
- Британиянинг 300 та ҳарбий аскари **кеча** Афғонистоннинг Баграм авиабазасига етиб келди. Бу ҳақда Британия мўддофа вазирлигининг расмий вакили маълум қилди.
- «РИА Новости» агентлигининг хабарига кўра **кеча** Афғонистонга бир гуруҳ россиялик мўтахассислар келишган. Улар Саланддаги туннель иш фаолиятини қайта тиклашда иштирок этадилар.
- **Кеча** Хитой «Вашингтон Таймс» газетасининг расмий Пекин «Ал-Қаида» террорчилик ташкилотига қурол-яроғ етказиб бергани тўғрисидаги хабарни қатъиян рад этди.

2001 йил СОЛНОМАСИ

Йилнинг энг муҳим воқеалари

ЯНВАРЬ

□ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий фармойиши чиқди.
□ Ўзбекистон Республикасининг 12 жилдли миллий энциклопедияси биринчи жилдининг нашрдан чиқиши мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўли.

ФЕВРАЛЬ

□ Вазирлар Маҳкамасининг «Она ва бола» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори чиқди.
□ Буюк мутафаккир ва давлат арбоби, ғазал мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишлаб Навоий-хонлик кунлари бўлиб ўтди.
□ Россиядаги машҳур «Вагнус» нашриёти «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» номли китобни босмадан чиқарди.

МАРТ

□ Шайхонтоҳур туманидаги Жарарик, Ибн Сино ва Белтепа даҳалари аҳолисига хизмат кўрсатувчи 3820 метр узунликдаги янги трамвай йўли очилди.
□ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрами тантанали ўтказилди.

АПРЕЛЬ

□ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлди.
□ Буюк соҳибқирон Амир Темураваллудининг 665 йиллигига арафасида Темурийлар тарихи давлат музейи янги экспонатлар билан бойиди.
□ Москвада Леонид Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.
□ Тошкентда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис курултоғи бўлиб ўтди.

МАЙ

□ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони чиқди.
□ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов давлат ташрифи билан Россияда бўлди.
□ Мамлакатимизда учинчи бор Хотира ва қадрлаш куни нишонланди.
□ Тошкентда иккинчи қаҳирқў Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси бўлиб ўтди.
□ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтди.

ИЮНЬ

□ Ўзбекистонда Урта Осиёда биринчи бўлиб пластик карточкаларга асосланган умумий банк ҳисоб-китоб тармоғи ташкил этилди.
□ Шаҳримизда «Тошкент Оулен-2001» аёллар халқаро теннис турнири бўлиб ўтди.
□ Шимоллий Ирландиянинг Белфаст шаҳрида ҳамюртимиз Руслан Чагаев бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлди.
□ Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди.
□ Тошкентда «SOS — Болалар маҳалласи» очилди.

ИЮЛЬ

□ Замонавий «Боинг-757» самолёти орқали Тошкент - Берлин - Гем - Нью-Йорк янги ҳаво йўли бўйича доимий қатнов йўлга қўйилди.
□ Теннисимиз маликиси Ирода Тўлаганова Австриянинг Вена шаҳрида ўтказилган соврин жағфармаси 400 минг АҚШ долларлик мусобақада ғалаба қозонди.

АВГУСТ

□ «Туркистон» саройида «Ўзбекистон гўзали-2001» кўрик-танлов бўлиб ўтди.
□ Тошкентда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида 9-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.
□ «УзДЭУавто» автомобиль корхонасида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига муносиб совға сифатида янги русумдаги «Матиз» машинасини ишлаб чиқарувчи конвейер ишга туширилди.
□ Тошкентда иккинчи қаҳирқў Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди.
□ Кутлуг байрам арафасида Тошкент метросининг учинчи қисми — «Ойбек» бекатинида Юнусобод даҳаси томон янги йўналиш очилди.
□ Ўзбек Миллий академик драма театрининг очилиш маросими бўлди.
□ Юртбошимизнинг ташаббуси билан бунёд этилган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида илк бор қатагон қурбонларини ёд этиш куни бўлиб ўтди.
□ Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

СЕНТЯБРЬ

□ Тошкентда теннис бўйича аънавий Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги халқаро мусобақалари бўлиб ўтди.

ОКТАБРЬ

□ МДХ ва Болтикбўйи мамлакатларининг «Евроосиё телефоруми» тўртинчи телевизион фестивали ташкилий қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов махсус мукофот билан тақдирланди.
□ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оксаройда БМТ Бош котибининг ўринбосари Корнел Ошимани қабул қилди.

НОВАБРЬ

□ Хоразмда мўътабар ёдгорлик, қадимий кўлёзма «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

ДЕКАБРЬ

□ Иккинчи қаҳирқў Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси бўлиб ўтди.
□ Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз Ислам Каримов 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилди.

Кўшалок айёмлар

Яқинлашаётган Янги йилни кўпчилик юртдошларимиз кўшалок байрам сифатида қарши оладилар. Чунки бу кутлуг кунлар арафасида кимнидир хонадониде янги чақалоқ дунёга келган бўлса, яна кимдир машина ёки уй сотиб олади. Ҳа, албатта, айниқса Янги йилни янги хонадонларда нишонлаётган юртдошларимизнинг қувончини чеки йўқдир.

Ана шундай бахтли оилаларнинг 72 таси байрам арафасида шахримизнинг Собир Раҳимов туманидаги Аброр Ҳидоятлов кўчасида қад ростлаган 9-қаватли янги уйга кўчиб ўтишди. Ушбу тароватли бино «Ўзуй-жамғармабанкнинг бюротмасига асосан «Ўзжойқурилиш» акционерлик жамиятига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг қурувчилари томонидан сифатли қилиб бунёд этилди.

2001 йил давомида шахримиз худудиде ўнлаб ана шундай замонавий турар жой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Хусусан Хамза туманининг Фаргона йўли ва генерал Узоқов кўчаларида, Миробод туманининг Нукус ҳамда Чехов кўчаларидаги уйлар шулар жумласидадир.

Ушбу уйлар ўзига хос замо-

УЙ ТҮЙЛАРИ



навий меъморий кўринишга эга бўлиб, кенг, ёруғ ва шимам хоналардан иборат ва барча қулайликларга эгадир. Уйларнинг атрофи ободонлаштирилиб, машиналар учун махсус тўхташ жойлари ҳам бар-

Очил ҲАЗРАТОВ

САНОАТ

Сифатли ва чиройли

Пойтахтимиздаги «Совласттал» кўшма қорхонаси жорий йилни муваффақиятли яқунлашга ва хариддорларга ажойиб, турли-туман халқ истеъмол моллари, эсдалик совғалари ишлаб чиқариб, Янги йилда уларни ўз тўхфалари билан мамнун этишга интилаётган жамоалар қаторидадир.

Махсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг янги ҳамда хариддорлар турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобида ошираётган қорхонада жорий йилнинг 10 ойи мобайнида ўсиш суръати ўтган йилгига нисбатан 131,7 фоизни ташкил этди. Махсулот турлари эса 5 мингтадан ортиб кетди.

Қорхонада чинни, пластмасса ҳамда рангли шилдан турли хил махсулотлар тайёрланди. Тажрибали мутахассис ва дизайнерларнинг маҳоратлари эвазига янги асрнинг биринчи йилда ҳам 600 турдаги янги махсулотлар хариддорларга тортиқ этилди. Шуниси эътиборлики, жамоада ҳар ҳафтада бир-бирини тақдорлаймайдиган 10 хил махсулот яратилди. Унинг сифати ва қурилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қорхона махсулотларига нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам қизиқш қатта. Айниқса, жорий йилда Хамдустлик давлатларига қўллаб махсулотлар экспорт қилинди. Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида экспорт ҳажмининг ўсиши 125,8 фоизни ташкил этди. Шунингдек, қорхона мутахассислари яқинда Москва шаҳрида ўтказилган «Кимб-2001» халқаро кўргазмасида ўзининг 1200 хилдан ортиқ махсулотлари билан қатнашиб, муваффақиятли баҳо олди ва яна қўллаб хариддорларни жалб этди.

Айни кунларда қорхонанинг 700 нафарга яқин ишчи-хизматчиси Янги йил учун янги махсулотлар тайёрлаб ҳар бир хонадонга байрам хушнудлигини улашмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Маржабо,

2001 йил — ТАҚДИРИМДА

◆ Ҳамит ҚАЮМОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи:

— 26 йилдан буюн қурилишда меҳнат қилаётган бўлсам, Мустақиллик йилларидаги бунёдкорлик ишлари, пойтахтимизнинг йилдан йилга чирой очилиши, бу юмушларда ўзимнинг ҳам ҳиссам борлиги қалбимни фахрга тўлдирди. Янги асрнинг илк йили меҳнатим юксак қадрланди — «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» унвонига сазовор бўлдим. Бу юксак унвон ҳаётимда ўчмас из қолдириб, ўзимга қуч-қувват бахш этди, янада улкан бунёдкорлик ишлари сари ундади. Яқунланаётган кутлуг йилнинг шундай азиз тўхфасидан қувонмай бўладимини?!

◆ Мансур МУРОДОВ, «Энг яхши хунарманд», «Голденганч» кичик қорхонаси раҳбари:

— Мустақиллик шарофати боис йилларимиз бир-бирдан мазмунли, бир-бирдан қувончли. Энг қувонарлиси, ота-болалари қўли гул хунарманд ўтган халқимизнинг асрий орзулари ушалмоқда. Бугун ўзбек хунарманларини дунё танимоқда. 2001 йил ҳаётимга яна бир мазмун олиб кирди, ижодимга илҳом бағишлади. Мақсадим «Энг яхши хунарманд» номини оқлаш, ганч ўймакорлиги санъати ривожига муносиб ҳисса қўшишдир. Пойтахтимизда бунёд этилаётган ҳар бир иншоотда шарқона руҳ уфуриб турсин, меҳнатларимиз мевасидан одамлар завқ олсин.

◆ Ҳалима ШОАКБАРОВА, «Дўстлик» ордени соҳибаси, поппочи:

— Ҳаётимга, оиламга, жамоамга шодлик олиб келган 2001 йилдан бениҳоя мамнунман. Мамлакатимизнинг энг қатта шодлиғи — Мустақиллик йилнинг 10 йиллиги нишонланган улуг йилда мен ҳам меҳнатим баҳосини олдим. Ҳалол меҳнат келтирган омад ва бахтдан, янги йилни ёруғ юз билан қарши олаётганимдан, ҳамшаҳарларимга эзгу ният тилаётганимдан бениҳоя хурсандман. Ана шу хурсандчилигим, ана шу бахтим мен тикаётган сўзаналардаги ипаклар қатида аксини топади.

Янги йил қўшиғи

Янги йил кечаси қадахлар лим-лим,
Қирғокдан тошғудай денгиз мисоли.
Аслида жўш урган май эмас, кўнглим!
Майда жилоланган севгим жамоли.

Янги йил келтирган тонг отар янги,
Хаёт манглайдиди балки янги кун;
Хаттоки қўёшнинг етти хил ранги
Гўё касб этгандай янгича мазмун.

Янгидан туринди ҳамма нарса ҳам,
Ям-яшил кийинган яқин-йироқлар.
Қайта яралгандай қадимий олам,
Кўкда юлдуз эмас, балки чироклар...

Кўзларим қувонар атрофга боқсам,
Ям-яшил кийинган қишлоқлар янги.
Муҳаббат ўтида қалбимни ёқсам,
Алломиш билмаган синоқлар янги.

Атиргул исидан сархушман, холос,
Ям-яшил шарт эмас, фақат бахона.
Янги асримизни қилгудай қиёс
Хар янги тонг отиш — янги нишона.

Баҳор куртагидай бўртиб, ниш урган
Фикру ўй, нишқим, сарбахтим янги.
Истиклол ишқиди йиқилиб турган
Тошкентдай азамат пойтахтим янги.

Эшиги гирч этган уйимиз тугул,
Ер янги, кўк янги, зиё ҳам янги.
Қадахлар янграган тўйимиз тугул,
Чол-кампир ўқиган дуо ҳам янги...

Столим устида янги саҳифа,
Қалбимдан оқиди янги мисралар.
Қаламим учиди яна бир дафъа,
Янги тонг нуридан янги кирралар.

Қалбларимиз фахрга тўлди

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
профессор:

— Азиз ҳамшаҳарлар, мана Оллоҳга шукрки, янги 2002 йилни кўриш ҳам насиб этди. Ҳаммангизни шу қутлуг йил билан чин дилдан муборакбод этаман.

Биз бутун эски йил билан хайрлашмоқдамиз. Айтиш керакки, ўтган йилимиз жуда қутлуг йил бўлди. Биз бу йилда республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллигини кенг нишонладик. Бу байрам барчамизнинг юрагимизни ифтихор туйғуларига тўлдирди. Чунки мустақиллик йилларида қилган ишларимизни сарҳисоб қилсак, ақл бовар қилмайдиган муҳташам манзара пайдо бўлади.

Бутун республикамизга эмас, фақат Тошкенти азимга назар ташласак, шу мuddат ичида қанча-қанча кўча ва хиёбонлар, кўприклар, обод турар жой бинолари, кўзни қувнатиб, яшаш турибди. Метронинг янги навбати ишга тушди. Стадионлар, спорт майдончалари юзага келди. Айниқса мени хурсанд қилган нарса — шаҳримизда лицей ва коллежларнинг қурилиши бўлди. Улар замонавий кўринишга эга бўлиб қолмай, мазмуни ҳам замонамизга мос. Унда таълим олаётган ёш йигит-қизларни кўрсангиз, уларнинг юзидан маъно ёғилади. Иштиёқлари яққол кўриниб туради. Уларнинг қомил ишонч билан юришлари, саҳнаю минбарларда дадил гапиришларининг гувоҳи бўлиб хурсанд бўлиб кетаман. Шундай йигит-қизларни кўриб республикамиз келажаги ишончли кўлларда экан, деган бир тўхтама келдим.

Шаҳримизда содир бўлаётган янгилик ва

ўзаришлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Энг қувонарлиси, Ўзбек Миллий академик драма театримизнинг янги биноси очилди. Уни Президентимизнинг шахсан ўзлари очдилар. Бу рамзли бир воқеа бўлди. Хуллас, бу бино санъатимиз ривожига қўшилган ёрқин тинчлик бўлди. Мен илгари кўпгина мамлакатларда театр биноларини кўриб, бизнинг Тошкентимизда ҳам шундай бинолар бунёд бўлишини орзу қилардим. Шукр, шу орзум рўёбга чиқди. Театримизнинг янги биноси жаҳондаги энг муҳташам бинолар билан беллаша оладиган кўркам эга.

Аминманки, кириб келаётган Янги йилимиз ҳам бизга ана шундай янгиликларни олиб келди. Биз бу Янги йилнинг қутлуг нафасини биринчи кунларданок сеза бошладик. Янги йилни Президентимиз Қарияларни қарлаш йили деб эълон қилдилар. Гарчи мен эндигина 75 ёшга кирган ёш ҳаваскор қариялардан бўлсамда, бу қарордан бениҳоя бошим осмонга етди. Қарияларимиз жамиятимизнинг энг катта бойлиги. Халқимизнинг донолиги, олижаноблиги, яхши анъаналари шу қарияларда мужассамлашган. Улар кечаги кун билан келажакни боғлаб турувчи кўприқдир. Шундай экан, жамият ўз қариялари тўғрисида ғамхўрлик қилмоғи керак. Бундай ғамхўрлик шу пайтгача амалда бор эди. Лекин уйлайманки, бу Янги йилда янги босқичга кўтарилади.

Яна бир бор Янги йилингиз муборак бўлсин!

ТАДБИРКОРГА ТОЛЕ ЁР

Мақсадларимиз аниқ

Ўтиб бораётган қутлуг йилимиз ҳамшаҳарларимиз ҳаётида ҳам ўчмас из қолдирди, бахтли лаҳзаларни инъом этди. Ана шундай бахтли инсонлардан бири 2001 йилда пойтахтимизда ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловнинг ғолиби, Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида Президентимизнинг Фармонига кўра «Дўстлик» ордени соҳиби бўлган «Энг яхши тадбиркор», «Супроред» илмий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Собир УБАЙДУЛЛАЕВга Янги йил арафасида бир неча савол билан мурожаат этдик.

— Собир ака, тадбиркорларга берилётган имкониятлар, яратилаётган шароитларни қандай баҳолайсиз?

— Мустақил юртимизда кичик ва ўрта бизнес ривожига, хусусий тадбиркорлик равнақига қаратилётган катта эътибордан бениҳоя мамнунимиз. Янги асрнинг ўтиб бораётган илк йилида ҳам республикамиз ҳукумати томонидан тадбиркорликнинг ривожига қарата чиқарилган ҳар бир қарор ана шу муҳим эътиборнинг энг ёрқин кўринишидир. Президентимизнинг ҳар бир чиқишларидаги кўрсатмалари эса тадбиркорлар учун дастуруламал бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Яқунлаётган йил сиз ва жамоангизга қандай яхшиликлар олиб келди?

— Жамоамиздаги 24 нафар ходим эл-юрт сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида физиотерапия ва диагностика асбоб-ускуналарини ўзимизда яратиш йўлида тинмай изланмоқдалар. Четдан келтириладиган ана шундай тиббиёт жиҳозларини ўрнини босувчи маҳсулотларимиз сони 20 хилдан ортиб кетган бўлса, уларнинг 4 тури ўтаётган йилда яратилди ва муваффақият билан кўлланилмоқда. Не бахтки 2001 йил шаҳарда «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлдим. Республика тадбиркорлари «Ташаббус» кўрик-танловида иштирок этиб лавреатликини кўлга киритдик. Айниқса, кўксимга тақиб қўйилган «Дўстлик» ордени мен учун энг қувончли ва ҳаяжонли лаҳзалар бўлди. Буларнинг ҳаммаси фирмамиз фаолиятига берилган юксак баҳо, ўтиб бораётган

йилимизнинг олий мукофотларидир.

— Янги йил режаларингиз ва дилдаги орзулар...

— Янги йилга қувончу ифтихор, бир олам эзгу ният билан қадам қўяймиз. Аввало шунини ниҳат қилаёймизки, юртимизда тинчлик-омонлик бўлсин. Ана шунда уйлаган мақсадларимиз рўёбга чиқадди. Олдимизга қўйган мақсадларимиз бисёр. Янги-янги импорт ўрнини босувчи тиббиёт асбоб-ускуналарини маҳаллий хом ашё ҳисобига яратиш, сифатли ва зарур маҳсулотларимиз билан нафақат мамлакатимиздаги харидорларни таъминлаш, балки 100 минг долларлик маҳсулот экспорт қилишни кўзда тутганмиз. Россия Федерацияси ва Греция давлати билан ҳамкорлики янада ривожлантирамиз. Шунинг билан бирга, биз яратилган жиҳозлар — халқимиз саломатлиги учун муҳим таянч бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА сўхбатлашди.



Янги йил!

2001 ЙИЛ ОРЗУЛАРИ

◆ Эркин АЛИМУХАМЕДОВ,
Ўзбекистон Қахрамони:

— Қалбда доим орзуларнинг тугён уриб турганига нима етсин! Айниқса, ўтаётган йилни муваффақиятли яқунлаб, кириб келаётган янги йилни ўзгача қувонч билан кутиб олаётган бир пайтда. Истардимки, ҳур дилёригимизда элим деб, юртим деб яшайдиган қаҳрамонлар кўпайсин. Келажак авлодларга ажодларимиз сингари шундай бир буюк мерос қолдирайликки, улар тоабд бизни эъзозласин, ишимизни давом эттирсин. Жаҳонаро Ўзбекистонимизнинг доврғи бунданга юксак бўлсин. Мақсадлар яхши ниятларга уланиб, эзгу истақлар рўёбга чиқаверсин.

◆ Дилбар ТОҲИРОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
саноат ходими:

— «Орзусиз инсон йўқ, орзуга эса айб йўқ», дейишди донолар. Шунинг учун бўлса керак мустақил элимизда ҳар бир одам орзули, эзгу ниятли. Айниқса, жуда кўп мақсадларимизни амалга ошираётган йиллар ортада қолар экан, дилда янги-янги истақлар пайдо бўлаверади. Кириб келаётган Янги йилда эса энг катта орзуимиз: юртимиз тинч, халқимиз соғ-омон, турмушимиз фаровон бўлсин. Ватан муҳаббатини салоқати ҳар биримиз учун муқаддас бўлсин. Ҳар биримиз қалб кўри, яратувчанлик ишқи, ташаббус ва тадбиркорлик билан меҳнат қилиб барча соҳалар муваффақиятига муносиб улуш қўшайлик.

◆ Абдуманноб АБДУШУКУРОВ,
«Меҳнат шухрати» ордени соҳиби, ҳайдовчи:

— Янги йил яхши ниятларнинг амалга ошадиган йили бўлсин. Тобора яшнав ва ёшариб бораётган она шаҳримиз Тошкентга, азиз юртимизнинг меҳмондўст ва аҳил халқига кўз тегмасин. Ҳар бир соҳада муваффақиятлар ҳамиша барқ урсин. Йўлларимиз раван, дилларимиз равшан бўлсин. Тинч, осуда ҳаётимизга кўз тегмасинки, уни ўзимиз асрайлик. Ҳар ким ўз кўзлаган манзилига беҳатар ва беҳато етсин. Ушбу манзилларни эса пок орзуларнинг ёрқин ёғдуси ёритиб турсин.

— Мустақиллик шарофати, мухтарам Президентимизнинг доно ва теран сый-ҳаракатлари билан диёримиз ҳар бир фуқароси, аёли ва айниқса ёш авлоднинг камолоти борасида уммон салохиятга молик серқирра, сермазmun ислохотлар, тадбир дaстурлар амалиётда ўз ижобатини топмокда. Юртимизда тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт, адолатли турмуш тарзи тақомиллашмокда.

Мустақиллик шароитида оналару болалар, аёллар, соғлом авлод ҳамда оила масалалари умуминсоний ва миллий кадрият сифатида давлат сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланмокда. Бу масалалар юзасидан давлат дaстурларининг қабул қилиниши ҳамда ижтимоий ва шахсий ҳаётга унинг кенг жорий қилиниши келажак авлоднинг соғлом, жисмоний бақувват, маънавий етуқ бўлишига, фарзандларнинг камолотида муқаддас мавқега эга зот — оналарнинг саломатлиги, саводхонлиги, тиббий, тарбиявий маданияти юксак бўлишига эришиш. Оналар ва болалар йили дaстурининг асосини ташкил қилди ва қилмокда.

Жамиятимизда фаолият кўрсатаётган давлат, нодавлат, жамоатчиликка асосланган ташкилот ва жамоалар асосий эътиборни оналик ва болаликни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳимоялашга, оилалардаги соғлом муҳит ва ахлоқий муносабатларни насл-насабимизни поклаш, оилани соғломлаштириш, ёш авлод камолоти учун зарурий шароитларни яратишга қаратмокдалар. Дaстурда белгиланган вазифалар, мақсад ва режалар турмуш тарзимиз, кундалик ҳаётимизда чукur илдиз отмокда. Юртбошимиз айтганларидек, «Она ва бола» Давлат дaстурининг бажарилган энг муҳим жиҳатлари оилани моддий, маънавий ва руҳий жиҳатдан мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Чунки оила остонасидан Ватан бошланади. Оила меҳр нури, мурувват, адолат, саховат, осойишталик риштасидир. Айниқса, турмуш қуришга ёшларимизни тиббий, жисмоний, руҳий-ахлоқий тайёрлаш эътиборга молик мақсадлардан бири бўлди. Шу мақсадда ҳар бир йигит-қиз тиббий кўрикдан ўтказилиб, керакли чора-тадбирлардан кенг фойдаланилди. Шу мақсадда шахримизнинг ҳар бир туманида тиббий профилактик марказлар ташкил қилинди. Ҳомиладор аёл ва ҳомилани турли касалликлардан сақлаш, айниқса кам қонли аёлларга ёрдам бериш мақсадида зарурий тиббий чоралар амалга оширилди. Тошкент педиатрия институти қошида Республика перинатал маркази қуриш режалаштирилди. Хуллас, она ва боланинг, келажакда оналик бурчи ва масъулятини бажарувчи муқаддас зот вақили бўлиши кўриларимизнинг сиҳат-саломатлигини тиклаш, сақлаш ва мустаҳкамлаш дaстурининг энг зарурий мақсадига айланди.

Оналар ва болалар йили маданий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларнинг янгича замонавий талабларга жавоб берувчи самарали услубларидан кенг фойдаланилди. Таълим тизимида ҳам ушбу дaстурдаги мақсадларга монанд йўналишда иш олиб борилди. Шунингдек, ижтимоий ва шахсий ҳаётимиздаги ижобий жиҳатларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсади-

да турли кўрик-танлов ва кўргазмалар ташкил қилинди. Масалан: «Нихол», «XXI аср маликаси», «Ибратли келин», «Ибратли қайнона», «Сиз Ўзбекистонни севасизми?», «Ватан нимадан бошланади?» ва ҳоказолар.

Аввало дaстур мазмун-моҳиятини англаш, унинг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий мезонларини мустаҳкамлаш катта куч-гайрат, тарбиявий-маърифий ишларни амалга оширишни талаб қилади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жамоатчилик ташкилотлари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Экосан», «Меҳр-шафқат», «Маънавият ва маърифат» ҳамда хотин-қизлар кўмиталари, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқалар самарали ва унумли ишларни амалга оширмокдалар. Оналар ва болалар йили дaстури 2001 йил билан якун топмайди. Бу дaстур 1995 йил давомида қабул

ШУКРОНАЛИК

Йилларимиз мазмуни

Хотима ШАЙХОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор:



қилинган дaстурлар давомидир. Демак, унда ўз ифодасини топган вазифаю мақсадлар кўп йилларни қамраб олади.

2002 йил Қарияларни кадрлаш йили ҳам юқоридаги дaстурларнинг узвий ва мантиқий давомидир. Чунки она ва болалар, аёл, оила муаммоларини ҳал қилишда катта авлод — онахону отахонларнинг ҳаёт тажрибаси, кадрияту, урф-одатлари, панду насиҳатлари, олтинга тенг ҳикмат ва шарқона фазилатлари турмушимизда, яшаш тарзимизда, фарзандлар тарбиялашимизда, ҳаётимиз ютуқларига шукроналик, қийинчилик ёки каму кўстга сабр-қаноат қилишга одатланишимизнинг асосий омилли бўлиб хизмат қилади. Қарияларни кадрлаш, иззат-ҳурмат қилиш билан бирга уларнинг ҳаёт мактабидаги ёш авлодни тарбиялашда, соғлом авлод камолотида унумли фойдаланиш ҳар бир ота-она, фуқаро учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Ана шунда юртимиз янада обод, осойишта хонадонларимиз файзу баракотли, ёш авлод ҳар томонлама камолотли бўлиши муқаррар.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасининг «Мерседес-Бенц АГ» заводи билан ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бормокда. Бундай яқин алоқа натижаси ўлароқ «Мерседес-Бенц» автобусларига сервис хизмат кўрсатиш маркази ҳам юзага келди.

Ёруғ юз билан

Бундан беш йил аввал бу марказ ўз фаолиятини бошлади. Бунда «Мерседес-Бенц АГ» заводининг «Ево-Bus G10n» фирмаси ҳам сый-ҳаракат кўрсатиб, унинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга муносиб ҳиссасини қўшди. У том маънода намунали сервис хизмати даргоҳига айланди.

Марказ 170 та автобуста техник хизмат кўрсатади. Кўрилаётган муҳим техник тадбирлар, бажарилаётган юқори сифатли таъмирлаш ишлари бу хил транспорт воситаларидан янада унумли фойдаланиш ҳамда улар умрини узайтиришининг бош омилли бўлмокда.

Шу ўтган йиллар мобайнида марказ жойларда ўз шохобчаларига ҳам эга бўлди. Тошкентдаги «2-автобус саройи»да фаолият кўрсатаётган шохобча хизматидан ҳам транс-

портчилар мамнун бўлишмокда. Шохобчанинг қўли гул тармирловчилари ихтиёрида ҳозир 112 та автобус бор.

Марказни эҳтиёт қисмлар ва зарур узеллар билан куруллантириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилди. Бунда изланувчан ихтирочи ва рационализаторларнинг хизматлари катта бўлмокда. Агрегатларнинг айрим деталларини қайта тиклашга қаратилган техника ижодкорлиги ҳам ўз ижобий самарасини бермокда.

Жорий йилни меҳнатда катта зафарлар билан нишонлаб, 2002 йилни ёруғ юз билан кўтиб олаётган транспортчилар қўлга киритилган иқтисодий фойда ҳисобидан кўплаб эҳтиёт қисмларини сотиб олишга эришилди. Рационализаторлар меҳнати эса муносиб тақдирланди.

Акбар АЛИЕВ

Мархабо,

2001 ЙИЛ — ТАҚДИРИМДА

◆ Ирода Тўлаганова, Ўзбекистон тенниси «маликаси»:

— Поёнига етаётган 2001 йил менинг ҳаётимда унутилмас из қолдирди. Ҳа, Оналар ва болалар йили мента шунчалар кўп қувончли онларни ҳаёда этдики, таърифта сўз ожиз. Гарчанд 2000 йилда мен «Тошкент-оупен» турнирида голибликни қўлга киритган бўлсамда жаҳон теннис таснифида 75-ўринни эгаллаб тургандим. Аммо 2001 йилдаги бир нечта турнирлардаги муваффақиятли иштироким, хусусан Австриянинг пойтахти Венадаги кучли теннисчилар қатнашган ҳамда «Нонкхейст» турнирларида голибликни қўлга киритганим, Линц шаҳридаги турнирда ва «Хертогинбош» мусобақасида ярим финалгача зафарли ўйинлар намойиш этганим сабабли ўтаётган эски йилни жаҳон теннисчи аёллари орасида 20-ўрин билан кўзатиб қоламан.

Дарвоқе, истиқдолимизнинг 10 йиллиги нишонланган 2001 йил мента яна шуниси билан эътиборлики, спорт соҳасида эришган камтарона муваффақиятларимни Президентимиз эътибордан четда қолдиргани йўқ. Истиқдол айёми арафасида «Ўзбекистон ифтихори» унвони берилганлиги мента билдирилган юксак ишонч эканлигини юрак-юракдан ҳис этиб турибман.

Келаётган Янги йилдан эса умидларим катта. Ниятим янада улкан галабаларни қўлга киритиш. Янги йилда ҳамюртларимга қарата, эски йилда ушалмаган орзуларингиз рўёбга чиқсин, бахт-омад ҳеч қачон сизни тарқ этмасин, дейман.

Шу ўринда яна бир гапни таъкидлашга тўғри келади. Мамлакатимизда теннисга берилётган эътибор ҳали ўз меъдаларини беради. Ҳали юртимиздан кўплаб теннис юлдузлари етишиб чиқади. Бунга ишончим комил. Кўни кеагина Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон теннис федерациясининг шаҳар бўлими ташаббусига кўра пойтахтимиздаги бир нечта спорт мажмуаларида ташкиллаштирилган «Ўзбекистон теннис юлдузлари — болаларга» деб номланган байрам олди тадбирлари ҳам юқоридаги фикримга далил бўла олади. Шаҳсан мен «Тошкент» теннис марказида пойтахтлик иқтидорли, теннисга қизиқувчан болажонлар иштирокидаги тадбирларда қатнашар эканман, қалбим фарх-ифтихор туйғулари билан тўлиб тошди. Чунки болажонларнинг теннисга қизиқиши, ушбу спорт турини ўрганишга бўлган интилишини кўзатган ҳар бир инсон тенниснинг мамлакатимизда келажати порлоқ спорт тури сифатида ривожланишига, ҳали жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидаги турнирларда ўзбекистонлик теннисчилар зафар байрогини дадил кўтаришларига асло шубҳа қилмайди.

Кексаларимиз иззату эъзозда

Келгуси йилимиз юртимизга янгича нафас, янгича рух ҳамда кадр олиб келаётган Қарияларни қадрлаш йили деб номлангани ёши улуг кексаларимизнинг кўнгилларини тоғдек кўтариб, бир олам қувончга тўлдирди. Зеро, «Кариси бор уйнинг париси бор», деганларидек, отахону онахонлар бор жойдан файзу барака асло аримаيدди. Шу боис ҳам кексаларни эъзозлаш, уларнинг дуосини олиш, маслаҳатларига доимо амал қилиш ёшларнинг бурчи эканлигини унутмаслик даркор. Эшик қокаётган янги 2002 йил арафасида мухбиримиз Шайхонтохур туманида истиқомат қилаётган 83 ёшли онахон, меҳнат фахрийси Карима ая Соатованинг дил сўзларини оқ қозоғга кўчирди.

— Аллоҳга шукри, XXI асрнинг иккинчи йилига ҳам эсон-омон етиб келдик. Бўсағанда эшик қокаётган Янги йил арафасида уй-хаёлимдан истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган мақдас аризулик ислохотлар кенчмоқда. Айниқса Янги йилнинг Юртбошимиз томонидан Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинганлиги мен сингари кўпни кўрган нурунийлар қалбини тоғдек кўтариб юборди. Юртбошимизга минг раҳмат. Зеро, ҳаёт сўқмоқларида ўзига яраша тажриба ортириб, ҳозирда қариллик гаштини сураётган биз кексаларга гамхурлик кўрсатган, дуосини олган юрт асло кам бўлмайдди. Шундай бахтли замонага етказганига Яратганга шукроналар айтманки, айна кунларда 7 нафар азиз фарзандларим, 27 неварою 14 эвара қуршовида эъзозламан. Дарвоқе, бир умрлик эзгу ният ҳам истиқлол шарофати билан амалга ошиб, муборак ҳаж сафарини адо этиш насиб этганидан беҳад хурсандман. Кўпни кўрган, 40 йилдан ортик ёш авлодга таълим берган педагог сифати-



да шуни айтишим жоизки, озодликнинг, бугунги шукҳли кунларнинг қадрига етмоқ даркор. Уруш оқибатларини, алғов-далғовли йилларни биз кўрдик, сизлар асло кўрманг, болаларим дейман. Илоҳим жаннатмакон юртимизга асло кўз тегмасин. Янги йилда ҳар бир инсон уйлаган ниятига етсин. Ҳар

бир оилада қариялар иззату эъзозда бўлсин, барчамизга бахт-саодат ёр бўлсин.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ
суҳбатлашди.

СУРАТДА: Акмал Икромов туманида истиқомат қилувчи 107 ёшли Шафоат ая Юсупова чеваралари билан.

Янги йил! Қиш сукунатида бир кучоқ қувонч тўкилади бу сўзлардан. Хотиранимизда арча чироқлари ёнгандай ёришиб, ёруғлаиб кетади. Оқ-оппоқ капалак қорлар уйнаб-учиб ёға бошлайди. Дарахлар чечак таққан келинчаққа ҳазонлар оқ этак, дунё шу рангдаги эртатка ўхшаб кўринади. Қушлар, ҳатто, қаргаларнинг қаноти қумушлангандай туюлади. Қорбўронлар, болалик суронлари қаҳқаҳа солади ёдимиз оқшомларидан.

Аммо биз бола эмасмиз. Мустақилликнинг ўн биринчи йили деган бир салмоқли тушулган чақмоқдай «ярқ» этади фикримизда. Ҳаёлан изимизга қайриламиз. Янги асрнинг биринчи йилини қандай яшадик? Онамиздай азиз Ўзбекистон, унинг қувонч-ташвишларига туташимизми? Кичрайиб, майдаллашиб яшамдикми? Саволлар қиш қўюнидай ёпирилиб келади.

Пойтахтимизда қурилган янги йўллар, кўприklar, ўқув тиббиёт масканлари — бир-бир кўнглимиздан ўтади. Метронинг янги бекатининг Юнус Ражабий деб аталганидан кўксимизда гурур ёлқинланади. Қураш, теннис мусобақалари, футболимиздаги ғалаба ва мағлубиятнинг шодлик ва аламларини эсга оламиз. Кузатган, кўтиб олган меҳмонлар, уларнинг дунё майдонидаги мавқеи, нуфузи ҳақида уйлаймиз. Уйлаганимиз сари ўтган йил улканлашади. Унинг бўш, салқи нуқталари йўқдай, ҳар дақиқаси яхшиликлар, янгиликлар билан тўлалай, қўрқдай сезилади.

ЭТИРОФ

Карвон тўхтамайди

Бахтдан бошимиз айланса эди... Аммо хотира — тирик майдон. Унда фақат кеча ва бугун эмас, ўтган кун ҳам бор.

Негадир яна бир Янги йил оқшомини эслаймиз. Эшик қаттиқ қоқилади. «Ки-ним?» деган заиф товуш, «Очинг!» деган заҳарханда буйруқ. Бу буйруқ билан очилган эшикдан ўзбек алабиёти фахри бўлган Абулла Қодирийнинг ҳаётига адолатсиз қийноқ ва шафқатсиз ҳукм кириб келган эди. Яна бир Янги йил менинг оиламда кўп эсланади. Боболаримиз ерсуви бўлгани, ўзини эллаб яшагани учун Украинанинг Херсон деган жойига сургун қилинади. Онамиз ўшанда олти яшар қизалоқ экан. Бир ой йўл юриб манзилига етгач, эшелондан тушган кир-чир, юпун қизалоқнинг кўзи илк бор арча кўтариб кетаётган нотаниш тилда чуғурлашаётган кишиларга тушган экан...

Қатагонлар, сургунлар билан келиб-кетган янги йиллар эсдаликларини озодлик қувончларига кўмиб юборамиз. Унутиш ва айна пайтда унутмаслик зарур бўлган кечинма... Истиқлолнинг янги тўхфаси «Матиз»лар «ду-ду»лайди оғчаларда, кўксига гимназия, коллеж нишонларини кўсан, кўзлари тийрак ёшлар саф-саф ўтади йўлаклардан... Маҳаллалардан иссиқ нон ҳидлари гурқирайди. «Қаро кўзим» янграйди кўп қаватли уйларнинг қия очик деразаларидан.

Янги йил! Юрагимизда янги севинч шамларини ёқаётган яхши йил. Биз ўз хотираларимиз, ташвиш, шодликларимиз билан жумла қараб юраётган улуг карвонимиз.

Карвоннинг бу йилги сафари — Қарияларни қадрлаш йили деб номланди. Донишмандлик, ҳикматларга, меҳр мамлакатига сафар бу. Дуоларга сафар! Бу йўлни ҳам юрмакка ҳозирлиб турибмиз. Дилдан тилга янги йил туйғулари қулиб келади:

Совқотмасин деб осмон гизлабди юлдуз, ойни, Биллур ойналар ичра солибди анҳор, сойни, Капалак қор шаклида сочқилабди чиройни, Янги йил, хуш келибсан, сафо келибсан бизга! Тўзиган булутларни қумушга айлантирдинг, Қора қанот қаргани оққушга айлантирдинг, Сукунат фурсатларини ўтмишга айлантирдинг, Янги йил, хуш келибсан, сафо келибсан бизга. Кўнгилларимиз яхши, яхшиликка туташтир, Совқотган оғочларни яшилликка туташтир, Осойиш фурсатларни аҳилликка туташтир, Янги йил, хуш келибсан,

**сафо келибсан бизга.
Қутлибека РАХИМБОВА**

Янги йил!

2002 ЙИЛ ОРЗУЛАРИ

◆ Хайрулла НУРИДДИНОВ, тележурналист, сиёсий шарҳловчи:

— Қалба чексиз гуруру ва ифтихор туйғулари, яратувчанлик ва бунёдкорлик гайрат-шажоати билан кўни кечганига энг азиз байрамимиз — Мустақилликимизнинг 10 йиллигини нишонладик. Менимча, ҳаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётган, жаҳоннинг манаман деган давлатлари, нуфузли ва мўътабар халқаро ташкилотлар сафидан ўрин олаётган Ўзбекистонимиз, она-Ватанимиздан фахрланиш, унга муносиб фарзанд бўлиш ҳар биримизнинг орзумизга айланган вақт бугун.

Ўтаётган йилимиз ҳар ҳажада улкан ўзгаришлар, катта бунёдкорлик, иқтисодий ютуқларга бой, файзли, тароватли, баракали, меҳнатларимиз зафарли, орзу-умидларимиз вожиб бўлаётган йил бўлди. «Замин юлдузлари» мукофоти совриндори, шаҳар Кенгашига депутат бўлдим. «Эртанги кун ташвиши билан» ҳамда «Эрта бугундан бошланади» муаллифлик фильмлари жамоатчиликка маъқул бўлгандан кейин «Бунёдкорлик» туркумида 10 та фильмни яратишга киришдим. Насиб бўлса, Янги йил кўни ушбу фильмнинг навбатдаги — мамлакатимизда сиёсий-иқтисодий соҳаларда эришилаётган ютуқлар, биринчи 10 йилликда амалга оширилган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари, доно Юртбошимиз томонидан алақачон айтилган, инсоният бошига офату балоларни ёғдираётган терроризмга қарши кураш ҳақидаги 8-қисми эфир юзини кўради.

Яна бир лойиҳа устида иш олиб боряпман, у ҳам бўлса ёшлар мавзуга бағишланган кўрсатув. Бутунлай янгича услуб, янгича йўналиш, алоҳида павильонда олиб бориладиган ушбу кўрсатувга ёшларнинг эркин фикрлари, долзарб мавзулар асос қилиб олинади. Бир сўз билан айтганда — бу кўрсатув ёшлар минбари бўлади.

Яқинлашиб келаётган йилимизда, Қарияларни қадрлаш йилида юртимизга тинчликни, хотиржамликни, ҳар бир хонадонга қут-баракани тилаймиз. Хонадонларимиз кўрки, файзу баракаси бўлган, эзгу ишларимиз дуоғўйи, яқин маслаҳатгўйимиз, нуруний, пиру бадавлат отахон-онахонларимиз, ота-оналаримиз ҳаммаша иззат-ҳурматда бўлсинлар.

ШАБРИКЛАР

Бахт ва омад ёр бўлсин

Чанг ХУН,
Жанубий Корея
Республикасининг
Ўзбекистон
Республикасидаги
Фавкуллда
ва Муҳтор элчиси:

— Бу йил Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлагани билан ҳам юртингиз тарих саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллайди. Ўтган нисбатан қисқа муддат ичида Республика Президентини жаноб Ислол Каримов бошчилигида Ўзбекистон улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ва мен бугун Ўзбекистон халқини мустақилликнинг қулугу ўн йиллиги ва кириб келаётган янги 2002 йил билан қизгин кутлабман.

Ўтган йиллар ичида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида янги замонавий «Матиз» автоомобилларининг дастлабки туркуми конвейерлардан тушди. «Кабул-текстайлз» корпорацияси учинчи тўқимачилик фабрикасининг ишга туширилиши ҳам ўзаро алоқалар кўламнинг кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Келаси йили ҳар иккала мамлакат ўртасида иқтисодиёт ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ва алоҳида кенгайишига ишончим комил.

Бугун Ўзбекистон халқини яна бир қарра табриклаган жолда янги йил юртингизга бахтли ҳаёт, фаровонлик келтиришига тилакдошман.



ШАЪРИКЛАР

Бахт ва омад ёр бўлсин

Анатолий КАСЪЯЕНКО,
Украинанинг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва Мустор элчиси:

— Мен хардош Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги 2002 йил билан табриклаш имкониятига эга эканлигимдан беҳад шодман. Якунланаётган йил жаҳон иқтисодиятида ҳам, бинобарин АҚШдаги 11 сентябрда юз берган фожиали ҳодисалардан кейин олам сийб-сатида ҳам анчагина таҳликали ўтди.

Шундай бўлсада, алоҳида таъкидлаш керакки, давлатларимиз Президентлари ва ҳукуматлари Ўзбекистон ва Украинанинг иқтисодий тинчлик барқарор бўлиши, жамиятда ички сийсий вазият уйғун кечиши йўлида барча зарур хатти-ҳаракатларни амалга оширдилар. Ташқи сийosat соҳасида эса дунёдаги террорга қарши қўнларни шак-шубҳасиз қўллаб-қувватлашдек ягона тўғри йўл танланди.

Умуман, якунланаётган йилда давлатларимиз тараққиётлар кўнлар яқдиллигини ва жаҳонда тинчликни мустақамлаш йўлида салмоқли ишларни амалга оширишди, қувонч билан таъкидлаш жоизки, ушбу савий-ҳаракатларда биз доимо бир-биримизни узаро тушуниб, қўллаб-қувватлаб турдик. Тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олаётган жорий йилда 400 миллион АҚШ доллари ҳажмига яқинлашиб қолган узаро махсусот айланмаси сезиларли даражада ошилшига эридик.

Фурсатдан фойдаланиб халқимиз ва Украина Президенти Леонид Кучма номидан дўст-биродар Ўзбекистон халқи ва раҳбариятини кириб келаётган Янги йил байрами билан чин кўнгиладан табриқлайман. Бахт, омад, тинчлик ва фаровонлик ёр бўлсин!

«Минг тўққиз юз...» рақамида бизларнинг болалигимиз ўтди. Уша йигирманчи, ўттинчи йилларда «икки мингинчи йилга ета-сизлар», деб ким бизга башорат қилибди? Бу, икки мингинчи йил ғоятда узокдаги юлдузлардек милтиллаб кўринарди. Курашдик. Аллоҳга шукроналар бўлсинки, озод ва мустақил замонга етиб келдик. Қарияларни қадрлашдек бахтга ҳам етдик. Юртбошимизга беадад ташаққурлар бўлсин, Конституция-миз байрами кунда кароматли сўзлар айтилди, яна янги ишларга илҳом бағишланди.

азобини чекиб келаётган ён қўшнимиз — жон қўшнимиз Афғонистонга инсоний ёрдам кўрсатишда, қишдан омон-эсон чиқиб олишига ёрдам қўлини узатиб, вагону катта кемаларда озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар йўллаётганимиз дунё диққатида. Биз ёрдам берамиз, Афғонистон азалий қўшнимиздир, бобокалонларимиз Навоий, Бобур ва қанчалар улуг инсонларнинг қабри Хироту Қобул, Мозори шарифу Марвадлар.

Ҳайратон шаҳрида яшайдиган бир йигитча яқинда Ўзбекистон телевидениеси орқали кўрсатилиб, у мудҳиш кўнларда — Тolibонлар зулматида ҳам Амударё ёқасига келиб, гўзал Термизда ўтаётган тўйларимиз, маросимлардаги кўшиқларни, мусиқани эшитар, шаҳарнинг ёрқин чироқларини кўриб, ҳавас қилар экан. Рўшнолик кўнлар унинг ватанига ҳам етсин. Афғонистон заминиде тинчлик барқарор бўлсин, қадрлон умидворимиз.

МИРМУҲСИН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Қариллик қадри

қўшничлик қилайлик. Камини ҳам кўп йиллар муқаддам Афғонистонда бўлиб, «Чодрали аёл» номли китоб ёзганман. Шояд келгусида адабий-маданий алоқаларимиз яхши бўлиб кетишига умидворимиз.

Кўриб кўзимиз қувнаётган соғлом ҳамда ақлли ёшларимиз буюк Ўзбекистонни қурмоқдалар, улар албатта ўз аждодлари — отабоболари тажрибасидан фойдаланишлари аниқ. Ёшларимиз худбинлик — манманликдан узок, қарияларни қадрлайдиган азаматлардир. Биз кечмиш замонда яшаган, унинг губорларидан гарчи тамоман халос бўлмаган бўлсак ҳам қалбан ва фикран соғлом авлод сафидамиз, ватанимизни жондан ортиқ севамир. Қадрлон йўлбошимиз асарларини навқирон авлод ҳам, биз, кекса авлод ҳам ўқиб-ўрганамиз, ишимизда у дастуриламалдир. Шу сабабли бизлар ҳам туғилган юртимиздек яшармоқдамиз. Бу дил сўзларимга ҳеч ким шубҳа қилолмайди.

Шеъримиз жарангамоқда. Худо хоҳласа қўламти асарлар — роману қиссаю пьесалар ҳам мустақиллик, озодлик оҳангида янграйди.

Янги йилингиз бунданла қўлуғ келсин, азиз дўстлар!

Ўн йил ичиде Ўзбекистонимизда шунча кўп ишлар қилиндики, уни бармоқ билан эмас, фақат компьютер билан ҳисобламоқ мумкин. Шаҳарлар ободлиги, осмонупар бинолар, равон йўллар, кўприклар, таъмирланган қадимий ёдгорликлар, саройлар, уй-жойлар... Бир қарашда булар олдий кўрингани билан, қариялар яхши билади — қадим бу муаззам Тошкентда ё учта, ё тўртта уч қаватли бино бор эди, унинг бири Амир Темур хиёбони томонда, бири ТошМИДА... Айланма тор кўчалар, бўғотли томлар, мўрилар, симёғочлар тўлиб ётарди. Эски Жўвадаги Бегларбеги мадрасаси, Чорсулдаги Кўкалдош миноралари бузиб ташланган эди.

Ўн йил ичиде қанча иншоотлар қал кўтарди, ўзбек халқи қад кўтарди — у мутеъликдан, камситишлардан қўтилди — ўзбек тилига Давлат мақоми берилди, Ислому динимиз қадр топди. Аллоҳга шукроналар бўлсин. Ўзбекни ҳозир жаҳон таниди. Бу қўнларнинг қадрига етмоқлик даркор.

Аср вабоси, эллар, миллатлар заволи — терроризм, ёвуз қора кучга қарши кураш бошланди, бу адолатли жангда Ўзбекистон марду майдондир. Йигирма уч йилдан буён уруш



Қалбда ҳамиша баҳор...

ИЗҲОР

Мустақил юртимни дунё танисин

Дилдора АЛИМУҲАМЕДОВА,
Жаҳон иқтисодийети ва дипломатия
университети магистранти,
«Умид» гранти совриндори:

— Мустақил юртимизда ёшларга кўрсатилаётган бекиёс гамжўрлик туфайлигина билимли, зукко ёшлар дунёнинг ривожланган мамлакатлари олий ўқув юртларида таълим олиб келмоқдалар.

Мен ҳам «Умид» жамғармаси совриндори сифатида Франциянинг Тулуза шаҳридаги Ижтимоий фанлар университетида ўқиш бахтига муяссар бўлдим. «Геосийёсат ва халқаро муносабатлар» факультетининг магистратурасида ўқиб, магистрлик унвони билан яқинда она-Ватанимизга қайтиб келдим.

— «Хар бир инсоннинг хаёти она-Ватан билан тўқисдир» — Юртбошимизнинг ушбу сўзлари нақадад ҳақиқат эканлигини мен юртимиздан олисда бўлганимда яққол ҳис қилдим. Бутун ўқиш давомида барча шарт-шароитлар яратиб берилди, устозларимиз ҳам меҳрибон, ҳеч нарсадан қийинчилик йўқ, лекин Ватан соғинчи ҳамиша бизни ўзига қорлаб турди, десам

муболага бўлмас. Мен у ерда яхши ўқишга, хар томонлама илмли, зукко, фикр доираси кенг, юқори салоҳиятга ёшлар каторидан ўрин олишга, мустақил Ўзбекистон фарзанди, олдий ўзбек кизи ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилдим. У ердаги таълим тизими, талабаларнинг эркин, мустақил фикрлаши, билимга бўлган интилишлари, ёш бўлсада барчасини ўзим уддалайман деган ўзларига бўлган ишончларини кўриб хулосалар чиқардим.

Жуда катта орзу-умид, мақсадларим бор. «Умид» жамғармаси тавсиясига кўра Президент хузуридаги Стратегик тадқиқотлар институтида иш бошляяман. Ўз ихтисослигим бўйича илмий ишлар қилмоқчиман.

Яқинлашаётган Янги йилимиз юртимизга тинчлик-хотиржамликни, хар бир оилага бахт-омадни олиб келсин. Шу азиз Ватан номини эшитганда юраги жиз этадиган, мустақил юрт байроғини ҳамиша голиблар каторида кўтардиган оловқалб ёшлар Ўзбекистонимиз доврўғини океанлар оша бутун дунёга танитсин.

Мархабо,

2001 йил — ТАҚДИРИМДА

◆ **Дилбар АБДУРАҲМОНОВА,**
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик
Катта театрининг дирижёри:

— Мен бахтли аёлман. Янги асрнинг биринчи йили мен учун омадли, қўлуғ бўлди. Мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрами арафасида 43 йиллик ижодий фаолиятим, меҳнатларим муносиб баҳоланиб, «Меҳнат шўҳрати» ордени билан мукофотландим. Бу юксак унвондан бошим осмонга етди. Отаҳон театримиз саҳнасидаги кўплаб ажойиб томошалар, спектаклларда менинг ҳам улўшим борлигидан чекис бахтиёрман. Ниятим Янги йилда янгича илҳом, ғайрат ва шижоат билан ижод қилиш.

◆ **Нуриддин ҲАЙДАРОВ,**
«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси,
Ўзбекистон халқ артисти:

— XXI асрнинг биринчи йили ҳаётимга ўзгача фазй-барака, беҳад қувонч ва ширин таассуротлар бағишлади. Қувончларга тўла йилда мен «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» юксак унвонига сазовор бўлдим. Эл-юртим қорига яраётганимдан, санъатимиз равнақи ривожда менинг ҳам ҳиссам борлигидан мамнўнман. Мукофотни Президентимиз қўлидан олар эканман, ўзимни бениҳоя бахтиёр ҳис этдим. Шунингдек, оиламизда яна бир шодиёна — неваралик бўлдим, бувалик бахтини туйдим.

Тилагим Янги йилда ҳаётимизнинг хар бир кўни яхшилик, эзгулик, саховат, қувонч ва меҳр-муҳаббатга бой бўлсин. Ўзбегимнинг санъати, санъаткорларимизнинг доврўғи жаҳонга дoston бўлсин!

◆ **Муслимбек Йўлдошев,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими,
Ўзбекистон телевидениесининг суҳандони:

— Ўтиб бораётган 2001 йил менинг назаримда жуда катта қувончли воқеаларга бой йил бўлди. Шу жумладан менинг ҳаётимда ҳам омадли йил бўлди, десам адашмайман. Албатта, гап унвонда эмас, қилинган меҳнатга муносиб баҳо, юксак эътиборда. Қўнлар қатори Мустақиллигимиз байрами арафасида мен ҳам кўп йиллик меҳнатларим эвазига «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мала-нияят ходими» деган шарафли унвонга сазовор бўлдим. Бу мукофот мени янада рўҳлантириб янги зафарларга қорламоқда.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 11.20 ТВ мавзо.
9.10 «Ҳаройибот»
9.30 «Шумтақалар». Мультсериял.
10.00 «Ватавимага хизмат қиламан»
11.00 «Она меҳри»
11.25 Болалар учун фильм. «Пан Клеванинг саргузаштлари». 1-кисм.
12.45 «Ёнимиздаги одам». Бадий-публицистик кўрсатув.
13.05 «Пан Клеванинг саргузаштлари». Бадий фильм. 2-кисм.
14.20, 15.15, 16.55 ТВ анонс.
14.25 «Муъжизалар майдонаси». Телевизион ўйин.
15.20 «Кўна замин оғилвераси»
15.50 «Ёнок ноҳадас». Мультфильм.
16.10 «Бу ахби фасл». Телевизион дастур.
16.35 «Қалб гавҳари»
17.00 «Ок оптик». Телевешер.
17.30 «Ҳазил, хаёқ, хангома»
18.00 «Алломини авлодлари». Спорт дастури.
18.20 «Оптин тоқ». Телевизион ўйин.
18.45 «Қўшиқчида сиз армуғон»
19.05 «Тўртинчи ҳокимият»
19.25, 19.55, 20.25, 21.10 Эшонлар
19.30 «Ташкилот» (рус тилида)
20.05 «Оқшом ёдугарлари»
«Ўзбекистонда» премьераси.
20.30 «Ташкилот»
21.15 «Яқинбада сиз билан бирга»
«Яқинбада кинозали»
21.40 «Кино оламиди»
22.10 «Аёл таровати». Бадий фильм. 2-кисм.
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тоғи»
9.00 «Эйги авлод» студияси.
«Катта танлаш»
9.25 Таббат оламиди.
9.45 Футбол бўли.
10.05 Жаҳон журофиси.
10.55 Ёшлар овози.
11.15 Қизиқ тақрибли экрани.
«Сомбақомол ва махлук-2»
12.25 Оч-ёқ дастури.
12.45 Аскар мактаблари.
13.00 «Жақ ва лавия пояси». Бадий фильм. 4-қисм.
13.45 Мультфильм.
14.30 Футбол-202.
14.50 Мусикий лавалар.
15.30 «Эйги йил афзолида» Бадий фильм.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Эйги авлод» почтаси.
«Оптин қалит»
17.35 «Муълотошош»
17.50 Яқинбада қиришунча.
18.05 «Учинчи сайёра» маърифат дастури.
18.55, 21.55 Ёшлар.
19.00 «Давр» лена.
19.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қўриё Эшонна қуйлиди.
19.35 «Зиёна-зина»
20.05, 22.30 Эшонлар.
20.10 Ёшлар оқоими.
22.00 «Давр» ҳафта ичиди.
22.35 «Ғу мавсуми, ёлғир мавсуми». Бадий фильм.
00.10-00.15 Ҳайрига тун!

21.35 «Ташриф»
22.00 Кинохалқ. «Сен борсан»
23.30-23.35 «Ҳайрига тун, шаҳрим»
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кайфият». Дам олиш дастури.
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдалари»
10.30 «Хамма уйдалигида»
11.05 «Қутқарувчилар». Тезкор ёрдам.
11.35 «Парле ву франсе?»
12.00 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
12.10 Болалар саоти «Барби ва Шөлқулни». Бадий фильм.
13.25 «Эран зинкати ва қуймаси»
13.50 «Британия кундалиги»
14.10-15.10 «Дўстлик» видеоканали «Айриқ» «Дида»
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Мул-қарғилалак»
16.55 «До-ми-соль шоу». Болалар учун кўрсатув.
18.15 «Мени кутти!»
19.15 Г. Польский ва Н. Кара-чандо «Оқ шудринг» комедиясида.
21.00 «Время»
21.05 «Кип-антракт»
21.50 «Кип-антракт»
22.00 «Ети кун». Ҳафта якуни.
22.25 Кинематограф. «Шарфатсиз романс» Бадий фильм.
00.40 «Ташкилот»
11.00 «Тунингиз оусда бўлсан»
9.05 Дастурнинг очилмаси.
9.05, 11.30, 17.00, 19.40 «Телекамор»
9.30 «Алекс Макнинг сирли олам». Саргузашт сериял.
10.00 Болалар учун фильм. «Тарзан». Мультфильм.
12.00 Ойнави кино: «Бехтливларнинг илти». Мистик комедия.
13.40 «Муқоимок» мусикий дастур.
14.10, 15.30 «30-каналда» премьераси «Бумбастик-1, 2». Мусикий комедия.

17.35 «Висол». Мусикий дастур.
18.00 «30-канал» киносони.
«Завр ёлғи заварданчида» Бутунжаҳон тарихи. Комедия.
19.35 «Ошқон». Мусикий дастур.
20.10 «Ҳайрига тун, кичиктойлар»
20.45 Мусикий дастур.
21.00 «30-каналда» детектив саоти.
21.45 «30-каналда» ажабод киносонини. «Криминал ўюв». Бадий фильм.
00.15 «Рождество байрами билан!» Оперта кутлайди. Мусикий дастур.
6.50 «Шаҳзода Флоризелинг саргузаштлари». 2-серия.
7.55, 10.00, 15.00 Янгиликлар.
8.15 «Чангалзорлар давати»
8.40 Мультфильм.
9.20 «Ғира, совмаги гармон!»
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдалари»
10.30 «Хамма уйдалигида»
11.05 Қутқарувчилар. Тезкор чакриш.
11.35 Сайқачилар клуби.
12.15 Қолмбо дам олаётганида. «Дулуғ отаеви сирлари». Детектив.
13.05 «Арағлаш-қуралаш» журналидаги кувек шонлар.
13.15 «Пирер. Шон-шукрат синов»
13.50 «Оқиллар ва ақиллар»
14.15 Кремль хазиналари.
14.30 «Дисней-клуб»
15.10 «Трембита». Комедия.
16.55 Жонин табиат: «Катта Али халқда хисса»
18.00 Кочка янгиликлар.
18.15 Мени кутти.
19.15 Г. Польский ва Н. Кара-чандо «Оқ шудринг» комедиясида.
21.00 «Время»
21.30 О. Табақов, В. Гафт ва Н. Фоменко «Козонлик етича» фильмида.
23.00 Л. Яромский Д. Астраханнинг «Чордак» фильмида.
00.05 Коңсерт.
01.00 Рождество байрамга бағишланган кўрсатув.

ТРТ
6.35 М. Пугачин, Е. Лоснов ва К. Луко «Кор эртаги» фильмида.
7.40 «Отам, онам, мен — спортчил оиласи»
8.25 «Теледидио»лар. Болалар учун дастур.
8.50 Рус лотоси.
9.40 «ТВ Битга шоу» Бутунроссиянинг «Криминал ўюв» фильмида.
10.20 «Ҳайрига тун, қўрғин»
10.55 «Ўз-ўзига режиссёр»
11.45 «Шаҳар». Дам олиш дастури.
12.20 И. Сикстунский, О. Ефранов, А. Мисков ва А. Пеланов 3. Разнонинг «Авто-бидан» сакланги» комедиясида.
14.00, 20.00 «Вести»
14.20 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар»
15.25 «Жаҳон бўйлаб»
16.30 Мультфильм.
17.00 «Комиссар Рекс» Теле-сериял.
18.00 «ТВ Битга» янгиликлар.
18.10 Ашлар.
19.10, 20.25 О. Аросова, Л. Дуран, Г. Польский ва Д. Мороз «Афина оқшомлари» фильмида.
21.15 Янгилик. Премьера «Мария Магдалина»
22.25 Янгилик. Премьера «Назаретлик Иосиф»
24.00 Рождество байрамга бағишланган кўрсатув.
ТВ
10.00 «Бун ҳаёт дейдирар» Диний кўрсатув.
10.30 «Дахлдолик». Диний кўрсатув.
11.30 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». 1-серия (Россия)
14.30 «Тирқиш қошиш учун олишув» (АҚШ)
16.30 «Одамқўрлар орасида хайёт» (АҚШ)
18.30 «Ўлоб хонимга миннатдорчилик билан»
19.00 «Болаларни панорама олувчи» (АҚШ)
21.00 «Муваффақият формуласи, E=MC²» (АҚШ)


23.00 «Жаннатдаги қотиллик» (Дания)
01.00 «Киндудаманган»
01.30 «Шарпалар» (АҚШ)
НТВ
7.10 Бизнинг кино: Б. Шербак, Т. Догилева, М. Державин «Маймалик қайлик» комедиясида.
8.25 «Сезам қўчаси». Болалар учун дастур.
8.50 «Бопси»-ярти.
9.30 «Бопоқрик болалар»
10.00, 12.00, 18.00, 21.00 «Бутун»
10.15 «Криминал Россия»
10.45 Е. Степаненко шоуи.
11.40 «Лаззати юкелалар»
12.20 «Касби — репортёр»
12.45 Бизнинг кино: Г. Визин, Л. Смирнова, Н. Морозова ва Е. Савинова «Балзаминининг» уйдалиги» комедиясида.
14.25 «Кутқарув хизмати»
14.55 «Ўз ўйини»
15.40 «Мен ва итим» доғ-шоу-си.
16.25 «Салом, Қорбобол!» Ҳажвий дастур.
16.25 «Эйги йил табақаси»
19.00 Бизнинг кино: А. Цесало, Ю. Стоянов ва А. Хмельничья «Кумуранг марвариди» комедиясида.
21.30 Бизнинг кино: Н. Гундарица «Қурдан бир кун йилги» фильм олдиди.
22.55 Рождество байрамга бағишланган дастур.
АКТ
8.00 Мультфильмлар
8.30, 19.45, 3.55 Виктор Чайкиннинг мусикий кўрсатуви.
9.20, 23.25 «Ўша Монгаузен» Бадий фильм.
10.40 Мультфильмлар.
11.25 «Оптин тасмали тўғи»
Болалар учун фильм.
12.35, 4.45 «Эгизаклар» Бадий фильм.
14.10 Мультфильм: «Ўрмон қалитани»
15.25 Балет, балет...
16.10 «Қалитан Немо», Бадий фильм.

17.40, 00.40 «Ўяит шаваҳдалари учун Ўйиболовни». Илмий-оммабон фильм.
18.05 ОР канал.
18.25 «Ерилиб кетган трест»
Бадий фильм.
20.40, 6.15 «Тўғиа гуна». Бадий фильм.
22.05 Олдиди 15.
23.00 «Одамлар ва тоғлар»
19.00 REN TV да «Fox Kids»
«Малка Сиси» Мультсериял.
19.30 REN TV да «Fox Kids»
«Фантастик гўрлик». Мультсериял.
20.50 «Тангсторлар ва тағкилар»
23.00 «Криминал комедия»
23.00 «Смиласонлар». Мультсериял
23.30 «24». Информацион дастур.
00.00 «Микос Давуфайр». Мелодрама.
02.45 «John Lennon. Come together»
ТВЦ
9.55 Кўрсатувлар дастури.
10.00 «Нимада? Нима учун?»
Болалар учун дастур.
11.00 Мультфильмлар.
11.45 «Дана почтаси». Мусикий дастур.
12.10 Тотти бўлак.
12.25 Оптин антология Мультфильм.
13.00 16.00, 01.35 Вокзал.
Москва хабарлари.
13.35 «Золушка» Фильм-эртак.
14.50 «Жониворлари кутарилган болалар». Телевизион дастур.
15.25 «Борис Нотин тақлиф этади» дастурда Анатоль Лобочини.
16.15 Спорт ўйинлари шоуи.
17.10, 22.55 Об-аво мультфильмлари.
17.25 Мультфильм: «Ажойиб қудлик»
17.45 «Горький» Телеконтур.
18.15 «Ойиса», Мелодрама. 3-4-сериялари.
20.05 «Қулқонча». Мультфильм.
20.15 Иш қўриғида, Тоқ-шоу.
21.00 «Свети ўйини». Бадий фильм.
22.00 «Ҳақиқат онлари» А. Карвунининг мультфильм дастури.
23.00 «Ўчюнинг юраги»-2. Бадий фильм.
01.45 Рождество қўшиқлари.
02.10 «Баҳоир». Мелодрама (АҚШ)
REN TV
9.00 Мусикий канал.
10.00 «Қизжақдан меҳмонлар»

Болалар учун фильм
11.15 «Хазинага орози». Болалар учун фильм.
12.10 «Уч мушкетерлар». Саргузашт фильм.
14.20 «Эси Вентура: Табиат давати». Комедия.
22.05 «Шарфатсиз романс». Мелодрама.
18.00 «Қулу кечаси»
19.00 REN TV да «Fox Kids»
«Малка Сиси» Мультсериял.
19.30 REN TV да «Fox Kids»
«Фантастик гўрлик». Мультсериял.
20.50 «Тангсторлар ва тағкилар»
23.00 «Криминал комедия»
23.00 «Смиласонлар». Мультсериял
23.30 «24». Информацион дастур.
00.00 «Микос Давуфайр». Мелодрама.
02.45 «John Lennon. Come together»
8.00 Хотин қизлар ҳаётидан.
8.30, 16.00 «Тасининг кувек оиласи». Ушқарлар учун сериял.
9.00, 16.30 «Сейрлорум». 37-серия.
9.30, 15.30 «Фантастик мазаун» дастури.
10.00, 21.00 Мультсериял: «Қора қарсонч». 5-серия.
10.30 «Жуда дахил». Болалар учун фильм.
12.30 «... билан учрашув». Николой Фоменко.
13.30 ТНД4 хит-парад.
14.00 «Номаллик сайёра»
14.30 «НЛО кундаликлари». Хужжатли сериял.
15.00 «Биринчи шахс». Э. Николовнинг мультфильм дастури.
17.00 «ЕР. Оқири тўнашув». Сериял.
18.00 «Нозик иш». Криминал комедия.
20.30 «Хайга келмаган юкелалар». Сериял.
21.25 «Ўлган янгиликлар». П.Глобанинг муаммажлик башорати.
21.30 Бил қўш қизларда.
22.35 «Қарсончорлар». Икки қизда учун ўйин». Саргузашт фильм.
01.10 Тўғига канал.

ДИҚҚАТ, КЎРИК-ТАНЛОВ!

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг пойтахти бўлмиш қадимги ва янги Тошкентнинг атрофидаги қадимий, тарихий 12 та дарбозасини қайта тиклаш масаласи бўйича, Тошкент шаҳар ҳокимлиги энг яхши лойиҳа ишлари учун кўрик-танлови ўтказадди.



Маълумки, қадимги Тошкентнинг атрофини қалъа девори, ўзининг қириш ва чиқиш дарбозалари билан ўраб турар эди. Дарбозаларнинг энг асосийлари 12 та бўлиб, шимолдан соат миллари бўйлаб қуйидаги тартибда жойлашган эди: Қорасарой, Тахтапұл, Лабзак, Қашқар, Қўқон, Қўямас, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд, Қўкча, Чигатой, Сағбон. Кўрик-танловини ўтказишдан мақсад дарбозаларнинг лойиҳа ҳужжатларини бажаришда, айнан ўша даврдаги дарбозаларнинг шаклини кўчириб қўйишига на эмас, балки унинг рамзий тасвирини акс эттириб, меъморий-бадий кечинмаларини, унинг тарихий жойлашиши ва белгилар тимсолида атроф муҳитнинг меъмориликка жавоб бер...

радиган лойиҳаларни танлаб олишидир. Шу билан бир қаторда кўрик-танлов қатнашчилари қадимий қалъа девори чегаралари доирасида туристик маршрут йўналиши бўйича таклиф беришлари мақсадга мувофиқ бўларди.

Энг яхши таклифлар учун қуйидаги пул мукофоти белгиланди:

- 1-ўрин учун — 300 минг сўм
- 2-ўрин учун — 100 минг сўмдан — 2 та мукофот
- 3-ўрин учун — 50 минг сўмдан — 3 та мукофот

Бундан ташқари 20 минг сўмдан 5 та рағбатлантириш мукофоти. Ҳолиблар хайъат аъзоларининг қарори асосида аниқланади.

Кўрик-танлов шартлари билан танишиш учун Тошкент шаҳар ҳокими ижроия маҳкамасининг Меъморилик ва шаҳарсозлик Бош бошқармаси қошидаги лойиҳа ишларини мувофиқлаштириш ва илмий текшириш бошқармасига мурожаат этилсин. Манзили: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 2а-уй, тел: 41-34-30

Янги йилнингиз қутлуғ бўлсин!

Азиз ҳамшаҳарлар, Янги йил кўрки бўлмиш арчани безатишда ёнгинг хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни унутманг, яъни қуйидагиларга

- катта эътибор беришингизни сўраймиз:
 - арчани хонанинг ўрта қисмига қулай қилиб ўрнатиш керак. Арчани иссиқлик манбалари яқинига қўйиш мумкин эмас, унинг шохлари девор, шифт ёки электр ёритиш чиқроқларига тегмай туриши мақсадга мувофиқ;
 - арчани безатишда электр қуввати 12 ёки 24 вольтдан юқори бўлган чиқроқлар, қоғоз ёки пахта ўйинчоқлардан умуман фойдаланманг;
 - арча атрофида ёш болаларнинг ёлғиз қолишига ва улар яқинида пиротехник воситаларнинг қўлланишига йўл қўйманг;
 - шунингдек, шам ёқиш, пиротехник воситалардан фойдаланиш, арча атрофида мушакбозлик қилиш ёнгинг келтириб чиқариши мумкинлиги ёдингизда бўлсин;
 - агарда ёнгинг келиб чиқадиган бўлса, хонадан тезда болаларни ташқарига олиб чиқиб, дарҳол 01 рақами орқали ўт ўчириш хизматига қўнғироқ қилинг.
- Янги йил байрамингиз хушқадчак ва кўнглилли ўтишига тилақдошимиз!**
- Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгинг хавфсизлиги бошқармаси**

Тошкент шаҳар, Яққасарой туман 1-сонли давлат нотариал идорасидаги битта ўрни бўш

НОТАРИАЛ

лавозимига нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади.

Унда қатнашишни истаганлар бир ой мuddат ичида Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати, жамоаси, умумий ва радиацион гигиенаси кафедрасининг ходимлари кафедрда доценти Л. Қ. Абдуқодировга турмуш ўртоғи

Равшан АБДУҚОДИРОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«УМИД ЮЛДУЗЛАРИ» СОВРИНДОРЛАРИ Юрагида жўшқин наволар



Илгари хабар берганимиздек, санъат оламига кириб келаётган ёш истеъодларни аниқлаб, келгусида уларнинг иқтидорларини тўла юзага чиқариш мақсадида шахримиздаги «Ўзкўрғаз-масавдо» саройида ёш истеъодларнинг фестивали бўлиб ўтган эди. Унда бир ойдан ортқик вақт ичида шахримизнинг барча мактаблари, санъат, мусикага оид билим юртлилари тахсил олаётган ёш санъат ихлосмандлари орасидан энг муносиблари танлаб олинган фестивал совриндорлари деб топилди.

Фестиваль ҳар ойда босқичма-босқич ўтказилиб, янги-янги санъат гуначалари танланади. Ушбу фестивалда 8 ёшдан 25 ёшгача бўлган энг билимли, иқтидорли ёш ҳаваскорлар танланиб фестивалнинг совриндорлари бўлдilar. Ана шу совриндорлар орасида Ўзбекистон телерадиокорпорацияси «Ёшлар» каналининг мусика муҳаррири Дилбар Ражабова ҳам бор.

Дилбар ёшлигидан санъатга қизиқиши тўғрисида Тошкентдаги Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик бўлимига ўқишга кирди. Бу ерда устозлари — Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Улмас Расулов, Хуррият Исроилова сингари таникли санъаткорлардан мусика, кўшиқ айтиш сирларини ўрганди. Санъатга муҳаббатни, изланувчанлигини тўғрисида тез орада ўз билими, истеъодини намойиш қилиб, устозлари ишончини оқлади. Турли фестивал, танловларда иштирок этиб, муносиб совринларни қўлга киритди. Ўқиниши тамомлаган тўғрисида Ўзбекистон радиосига ишга кирди...

— Ёшликдаги озувими кўпроқ миллий мумтоз кўшиқлар ижро этиш эди, — дейди Дилбар Ражабова. — «Умид юлдузлари» фестивалининг совриндори бўлишдек бахтга муяссар бўлганимдан бошим осмонга етди. Фестивалда И. Жиянов шеърига Ш. Турсунов куй басталаган «Ёр дедимиз» кўшигим билан қатнашиб совриндор бўлдим. Менинг кўшиқ айтишга бўлган маҳоратимнинг янада ошишида турмуш ўртоғим бастакор Шухрат Турсунов ҳам кўпроқ кўмак бериб келмоқдалар.

Бугунги кунда истиқлолимиз тўғрисида санъатимиз, шунингдек, ёш истеъодларга бўлган эътибор, чексиз ғамхўрликдан бениҳоя мамнунимиз. Мамлакатимизда мунтазам ўтказиб келинаётган турли кўриқ-танловлар, тadbир ва фестиваллар санъат гуначаларини саралаб, уларнинг янада камол топишига, маҳоратлари янада сайқаллашишига ёрдам бермоқда.

Ёшлигимдан санъат байрамларида қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллаб келяпман. Шуни ҳам қувонч билан айтишим керакки, бу йил Марғилонда ўтказилган сеvimли санъаткорларимиз М. Узоқов ва Ж. Султоновлар хотирасига бағишланган учинчи республика кўриқ-танловида қатнашиб, совриндор бўлиб қайтдим. Шунингдек, 2002 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтадиган уч босқичдан иборат «Она замин кўшиқлари» кўриқ-танловида янги кўшиқларим билан қатнашмоқчиман. Бунда менга устозларим, таникли санъаткорлар — Ўзбекистон халқ артисти Марям Сатторова, Ўзбекистон халқ хофиси Махмуд Йўлдошевлар яқиндан кўмак бермоқдалар.

Кўшиқ менга ҳамisha ҳамроҳ. Келгусида нафақат мумтоз ашулалар, балки янги эстрада йўналишида ҳам кўшиқ айтиш ниятидаман. Хозирги пайтда эстрада санъатини янада ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилмоқда ва кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Келгуси йил январь ойида ўтказиладиган «Умид юлдузлари» фестивалининг навбатдаги босқичида Оллох насиб қилса янги кўшиқларим билан қатнашиш ниятидаман.

Одатда санъаткорларга кўпинча «Сиз қайси санъаткорни ёқтирасиз ва уларга ўхшашга интиласиз?», дея савол беришади. Дилбархон бу саволимизга «Sevimли санъаткорим Насиба Абдуллаевага ўхшашни жуда ният қиламан. Санъаткорнинг ўзини тўғрисида, кийиниш маданияти, кўшиқларини ижро этиш услубига ҳавасим келади», дейди.

Дарҳақиқат, «Умид юлдузлари» фестивалининг совриндори Дилбар Ражабованинг орзулари бир олам. Ушбу фестивал ва танловлар унинг ўз устида кўпроқ ишлашга, ижод қилишга чорламоқда. Бундай фестиваллар, танловлар ўтказилар экан, ёш истеъодлар сафи тобора кенгайиб боради, санъатимиз янада юксалади. Биз Янги йилда ҳам Дилбар Ражабовага санъатимиз гулшанида ўзининг муносиб ўрнини топишини, мазмунли кўшиқлари билан мухлислари қалбидан жой олишини ният қилиб қоламиз.

Дилором ИКРОМОВА



Раққоса хиром айлар...

Маржабо,

«Ёшлар» телеканали хизматингизда

«Кунни биз билан қарши олинг!» — Эрта тондан ҳамшаҳарларимизга ушбу илқ калом билан ўз дастурини бошловчи «Ёшлар» телеканалини сеvim томоша қилмайдиган одам бўлмас керак. Биз айна Янги йил эшик қоқайтган кунларда «Ёшлар» телеканалида қандай байрам дастурлари тайёрланаётгани билан қизиқдик.

— Ҳар байрамда телемарафонлар ўтказиб, кўрсатуви турли янги ғоялар билан бойитиш «Ёшлар» телеканали учун аъзнага айлиниб қолган, — дейди биз билан суҳбатда «Ёшлар» телеканали бош муҳаррири Абдуазим Алимов. — Ҳамма сеvim кутадиган Янги йил байрамига ҳам томошабин мазза қилиб томоша қиладиган, бири-бирдан гўзал кўрсатувлар тайёрлашимиз. Улардан айримларини айтиб ўта қолай.

♦ **Байрам карнавали.** Қарийб тўрт соат давом этадиган ушбу кўрсатувда йилнинг энг таникли спортчилари, олимпиада чемпионлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти ғолиблари, ҳар жабҳада фаол бўлган ёшлар, йилнинг энг сара кўрсатувлари ва уларнинг қахрамонлари иштирок этадилар. Дилларга ором берувчи янги кўшиқчилари ёшлар базмига янада фазиз бағишлайди.

♦ **«Маслаҳат»** — яъни, «Гап йўқ» кўрсатувини яхши кўрмаган томошабиннинг ўзи бўлмас керак. Тўхтамурод Маҳмамов режиссёрлик қилаётган «гап йўқ»чиларнинг навбатдаги чиқишлари «теша тегмаз» мавзуда бўлиб барчага табасум улашиши ва маъқул бўлиши шубҳасиз.

♦ **«Заковат»** интеллектуал уйини ҳам аллақачон ўз мухлисларини топиб улгурган. Билим, ақл, тафаккур синаладиган бу уйин байрам кунини ўзгачароқ ўтказилади. Sevimли «Шахзод» гуруҳи хонандаси, Ўзбекистонда иккунга кўрсатган

артист Рашид Холиқов ва «Сетора» қизлари ўзларининг дилрабо кўшиқлари билан иштирок этадилар.

♦ **«Янги йил базми»** — Нигора Назарова ва Эльмира Мамажоновалар режиссёрлигида Чимён тоғларида суратга олинаётган мусикали фильм ана шундай номланади. Ҳузав ва тақрирланмас манзаралар, баҳаво табиат бағрида, таникли актрисалар иштирокида суратга олинаётган ушбу фильм ҳам томошабинга манзур бўлади деб ўйлаймиз.

♦ **«Жараён»** — ҳарбий-ватанпарварлик мавзуда яратилган кўшиқчилари танлов асосида сараланиб, ғолиблар мукофотланади. Улар ижросида эса катта концерт дастури намойиш этилади.

♦ **«Хандалак»** — Зокиржон Очилдиев ва Ортық Султоновларнинг ичакузди Янги йил хангомалари ўйлашимизки ҳар қандай томошабинни ўзига мафтун этади.

♦ **«Обид-шоу»** — таникли кулгу устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Асомовнинг Янги йил дастури каттани ҳам, кичинки ҳам бегубор кулги, табасумга шерик қилади.

♦ **«Ва қисқаси, байрам кунлари»** — Янги йил ҳазиллари, дилрабо куй-кўшиқлар, қутилмаган учрашув ва ранг-баранг кўрсатувлар билан Сизнинг хизматингизда бўламиз.

Янги йил ҳар бир хонандани тинчлик-хотиржамлик, қўғ-баракка олиб келсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ

Уч авлод учрашуви

Мамлакатимизда айна Янги йил байрами арафасида Муддофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган Оммавий ватанпарварлик ойлигининг ўтказилиши диққатга моликдир. Шу муносабат билан шахримизда ҳам қатор тadbирлар бўлиб ўтмоқда.

Кунни кеча Муддофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Миробод тумани Кенгаши томонидан «Уч авлод учрашуви» деб номланган катта тadbир ўтказилди.

Тadbир режасига кўра шаҳар туманларининг Муддофаа ишлари бўлимлари вакиллари, «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раҳбарлари, халқ таълими бўлими вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, «Нуроний» жамғармасининг туман бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашлари аъзолари, ҳарбий лицей ўқувчилари ва тумандаги 263-мактаб ўқувчилари ҳарбий қисмага таклиф этилдилар.

— Ушбу тadbирнинг ҳарбий қисмага ўтказилиши, — дейди Муддофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Миробод тумани Кенга-

ши раиси Махмуд Абдуллаев, — ёшларимиз Куролли Кучлар сафларида хизмат қиладиган аскарлар ҳаёти, уларга яратилаётган шарт-шароитлар билан бевоСИта танишишлари, ҳарбий кўникмалар ҳосил қилишлари учун муҳим аҳамият касб этади. Ташкилотимиз томонидан олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган тadbир ва режалар, учрашувлар ёшларимизни ҳар томонлама — жисмонан ва маънан чинқиқлашлари, соғлом ва бақувват, ўз Ватанини сеvimувчи ва уни ҳимоя қила олувчи инсонлар бўлиб етишишлари йўлида хизмат қилишга қаратилган.

— Азиз фарзандларим, — деди тadbирда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси Миробод тумани бўлими раиси Ботир Усмонов. — Бугунги уч авлод учрашуви — мактаб ўқувчилари,

ўз йиғитлик бурчини ўтаётган йигитлар ва кекса авлод вакиллари-нинг бир ерда жам бўлиши жуда қувонарли ва фойдали деб ўйлайман. Кекса авлоднинг бой ҳаётий тажрибаси сизларни тўғрисида равоан йўлга бошласа, Ватан ҳимоячиларининг ҳаёти, шарт-шароитлар билан танишиш ҳарбий ҳаётга кўникма ҳосил қилади. Ўйлаيمانки, ҳар бир ёш, ҳар бир мактаб ўқувчиси онгли ҳолатда ўз уйини, маҳалласини, шаҳрини, Ватанини сеvimиш, қарши, тинчлиги, фаровонлиги, тараққиёти йўлида хизмат қилиши лозим ва бунини ўзининг муқаддас бурчи деб билимоғи керак. Мен сизларни 8000 дан ортық уруш қатнашчилари ва барча кекса авлод вакиллари номидан яқинлашиб келаётган 2002 йил билан қутлайман. Она-Ватанингизга, халқингизга, эзгу ишлар бошида турган улўғ Ўр-тбощингизга содиқ ўғлонлар бўлиб етишишигизни тилайман.

Тadbир сўнгисида Ватан ҳимоячилари ҳаёти ҳақида хикоя қилувчи фильм кўрсатилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Бахт ва омад ёр бўлсин

Петер ЮЗА,
Словакия Республикасининг
Ўзбекистондаги муваққат ишлари вакили:
— Ўз номидан ва Словакия Республикаси халқи номидан Сизларни кириб келаётган Янги йил байрами билан чин кўнгилдан муборакбод этаман.

Аминманки, 2002 йил юртингиз учун янада самарали кечади. Зеро, Ўзбекистон халқи ўзининг меҳнатсеварлиги билан шўхрат қозонган, келаси йил эса меҳнатсеварлик тинимсиз бўлмиш от йили ҳисобланади.

Яқунланаётган йилни ҳам ҳар иккала давлат халқлари учун баракали ва омадли ўтди десак адашмаймиз. Тошкент шаҳрида янги кўчанинг Братислава номини олиши муносабати билан эса халқларимиз ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланди.

Сизларга бахт, фаровонлик, барча амалга ошираётган ишларингизда омад ва муваффақиятлар ёр бўлишига тилакдошман.

Рони Хидоят ГАСТИНА,
Индонезия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

— Индонезия Республикаси халқи ва ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси халқини Янги 2002 йил билан табриклаб, ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Мен Ўзбекистон Республикаси халқи яқин йилларида ўзининг буюк тараққиёти ва муваффақиятлари эришишлари тилакдошман. Менинг яна бир юксак ниятим— давлатларимиз ўртасидаги халқларимиз манфаатлари йўлида олиб

борилаётган турли йўналишлардаги ҳамкорлигимиз бундан ҳам ривожланиб бораверсин.

Жалол Бин СОДИК,
Кувайт Халқроҳ хайрия жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили:
— Йилдан йилга ҳар томонлама юксалиб бораётган Ўзбекистон учун бу йил ҳам турли муваффақият ва зафарларга бой йил бўлди десам муболаға бўлмайди. Мен ҳар йили мамлакатингизда Янги йил айёмини ўзгача бир шуқуҳ ила қарши оламан.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун ўзбек халқи ва унинг раҳбариятини кириб келаётган Янги йил байрами билан қизғин муборакбод этаман.

Аваз ИСМОИЛОВ,
«Гринворд» Ўзбекистон-Америка-Жанубий Корея қўшма корхонаси бош директори:
— Ўтган мустақиллик йиллари мобайнида амалга оширилган ишлар бир-бирдан мазмун ва моҳияти жиҳатидан катта фарқ қилади. Бугун Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ортиб, у жаҳон миқёсида тинчлик, барқарорлиқни мустаҳкамлаш борасида бир қатор хайрли ишларга бош бўлиб келмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб халқимизни янги 2002 Қарияларни қорлаш йили билан ўз номидан, қолаверса корхонамиз аҳли номидан самимий кутлайман.

Абдуқаҳҳор ҚОДИРОВ,
Швейцариянинг «Сингента» фирмасининг Ўзбекистондаги вакили:
— Авваламбор бутун Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан кизгин кутлайман.

Мустақиллик йилларида иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган ҳаракатларда биз ҳам иштирок этаятганлигимиздан жуда мамнунмиз.

МУШОИРА

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқ шоири

МЕХР ВА КАДР ҚАСИДАСИ

Тарих гилдираги айланаверар,
Умр деб аталмиш қарвон йўлида.
Кимлардир ортига қайтармоқ бўлар,
Билмаски жилови тақдир кўлида.

Йўллар тўзонига, йиллар тафтига,
Кўникиб қолармиш қаноат, сабр!
Одамлар исинар юрак тафтига,
Бу ёруғ оламда топади деб кадр.

Халоллик, диёнат умрга мезон,
Дарахт илдизига таянар мудом.
Ахир эзгулик деб тугилган инсон,
Дилларни дилларга боғлайди салом.

Оллоҳ ярлақан хур Ватаним бор,
Халқи ҳам иймонли, ғурури баланд!
Хусни қамолига олам ҳам хуштор,
Меҳри муҳаббати жонига пайванд.

Янги асримизнинг Янги йилини
Бағрини кенг очиб элим қаршилар!

Кўради муродли олис йўлини,
Умид кўзи билан боқиб яхшилар!

Сўқмоқлар бўшилиб катта йўл бўлар,
Ирмоқлар қирлашиб тошқин дарёлар!
Дақиқа йиллару асрни йўқлар,
Ақлу шууридан боқий даҳолар!

Инсонни қафтида тутайди замин,
Меҳнати-ла топар кадр-қимматни!
Ҳаёт шарбатини тотайди таъмин,
Баҳам кўришади нозу неъматни.

Дуоли бор элнинг доноси ҳам бор,
Қўрматни жойига қўяр Ўзбегим!
Ердан кўкка қадар меҳрдир пойдор,
Бўлолмас тақдирга шерик аллақим!

Қариси бор уйдан парилар кетмас,
Ҳа қадри баланднинг буқилмас қадди!
Гул ҳаёт тарзига даврон ҳамнафас,
Эркин яшамоққа бор ҳуқуқ-қадди!

ЭЗГУЛИК РУҲИ

Оппоқ либос билан безаб борлиқни,
Ташриф буюрмоқда Янги йил яна.
Қутиб олмоқдамиз қувонч-ла уни
Қийсин деб эзгулик руҳи тантана.

Ҳар бир йил мазмуни асрларга тенг
Озодлик байроғи барқарор элда.
Орзулар чашмаси уммон каби кенг,
Кириб келаётган шу кутлуг йилда.

Янги йил тонгининг нафаси каби,
Юртимиз осмон бўлсин мусаффо.
Иймонли инсонлар насли-насаби
Кўрмасин ҳаётда беҳудлик асло.

Янги асримизнинг иккинчи йили,
Тарихдан жой олсин олий йил бўлиб.
Мухрланиб қолсин юрагимизга
Нохуш офатлардан ҳоли йил бўлиб.
Соип МУҲАМЕДОВ,
меҳнат фахрийси.

Нима? Қачон? Қаерда?

Янги йил кунлари ва ўқувчиларнинг қишки таътиллари пайтида шахримизда ўтказиладиган маданий тадбирлар

● **29-31 декабрда** — Мухтор Ашрафий музейида буюк ўзбек композиторининг хотирасига бағишланган «Мухтор Ашрафий асарлари саҳифаларида» номли кўргазма ўз ишини давом эттиради.

● **29-31 декабрда** — Марказий офицерлар саройида «Кино олами» дастурига мувофиқ кино санъати ихлосмандлари Жеки Чан ва Крис Таккер каби юлдузлар суратга тушган «Тигиз соат-2» комедия йўналишидаги жангари фильмини томоша қилишлари мумкин.

● **29-30 декабрда** — Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Руслан Шариповнинг «Ҳаёт давом этади» номли байрам концерти бўлиб ўтади.

● **29 декабрда** — «Темирйўли» маданият саройида «Жосулар болалари» жангари фильми, «Мушуклар ва кучуклар» комедияси, «Американинг семимиллари» фильми намойиш этилади.

● **30 декабрда** — Гагарин номли кинотеатрда режисёр Эндрис Адамсоннинг «Шрек» мультпликацион фильми кўрсатилади.

● **29 декабрда** — «Илҳом» театрида Бертольд Брехт пьесаси асосида саҳналаштирилган «Мешчанлар тўйи» спектакли намойиш этилади.

● **29 декабрдан 13 январгача** — Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида «Янги йил кечасидаги гаройиботлар» эртақ-спектакли бўлади.

● **29 декабрда 10 январгача** — Ўзбекистон рус академик драма театрида болажонлар учун «Янги йил серпантки» эртаги қўйилади.

● **29 декабрда 13 январгача** — «Аловуддин» театрида «Кашейнинг олтин игнаси» спектакли бўлиб ўтади.

● **29 декабрдан 10 январгача** — Ўзбекистон Ешлар театрида «Ҳазрати олийларининг қўриқчиси» янги йил спектаклининг премьераси бўлади.

● **29 декабрдан 10 январгача** — Тошкент Давлат музыкали комедия (оперетта) театрида «Янги йил эртаги» саҳна асари намойиш этилади.

● **29 декабрдан 10 январгача** — Алишер Навоий номи санъат саройида «Янги йил шоуси» бўлиб ўтади.

● **29 декабрдан 13 январгача** — «Зарафшон» киноконцерт залида «Аёзбобо» эртаги намойиш этилади.

● **29 декабрдан 10 январгача** — Республика кўғирчоқ театрида «Ун икки ой» янги йил эртаги қўйилади.

● **29 декабрдан 10 январгача** — «Туркистон» саройи болажонларни янги йил арчасини биргаликда байрам қилишига таклиф этади.

● **2 январдан 10 январгача** — Марказий офицерлар саройи мактаб ўқувчиларини «Тим ва Томнинг саргузаштлари» номли томоша қилишига таклиф этади.

● **29 декабрдан 10 январгача** — Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Янги йил кечасида» эртагини кўриши мумкин бўлади.

● **29 декабрдан 10 январгача** — Авиасозлар маданият саройида «Оптимист» театр-студиясининг «Санта Клаус Қорбобо хузурида меҳмонда» спектакли бўлиб ўтади.

● **29 декабрдан 7 январгача** — Темирйўлчилар маданият саройида «Янги йил гаройиботи» томошалари бўлиб ўтади. Унда «Аловуддин» болалар шоу-гурухининг чиқишлари ҳам бўлади.

Мактаб ўқувчилари учун байрам томошалари, спектакллар бошланиши олдида болажонларни Қорбобо ва Қоркиз қутиб олади. Арча атрофида шўх ўйинлар ва турли-туман танловлар уюштирилади.



— Ботир, айтгинчи, сиз кўпроқ давраларда дўстларингизнинг латифа, хангомаларини тинглаб, хандон отиб мирикиб кулиб дам олишни ёқтирасизми ёки бошқаларга хуш кайфият улашиб, уларни кулдиришини?

— Кулги чехранинг гули, кўнгил озиги дейдилар. Ҳар бир инсон кайфияти яхши бўлишни хоҳлайди. Хурсандчилик ҳаммага ёқди албатта. Хусусан, мен ҳам қаерга бормаи одамларга озгина бўлса ҳам қалбларига шодлик, хуш кайфият улашсам, дейман. Уларнинг мирикиб юракдан кулганларини кўрганда ўзимни бахтиёр сезаман. Қисқа қилиб айтганда ҳам кулсам, ҳам кулдирсам дейман.

— Давраларда қизиқарли хангома, латифаларни эшитиб кулмайдиган, лоақал жилмайиб кўймайдиган одамлар ҳам учраб туради. Уларга муносабатингиз?

— Ҳар кимни мажбурлаб кулдириб бўлмайди, албатта. Бировга ош, бировга шўрва ёқди, дегандай... Лекин одамзод кулиб туриши керак. Машхур рус ёзувчиси Гоголнинг бир гапи бор: «Бугун кулмаган одам кунини бекор ўтказибди», дейди. Кулгу — бу инсонга берилган олий нёматдир.

— Сиз кўпроқ қайси машхур қизиқчиларга ўхшашни хоҳлайсиз ёки тақдир қиласиз?

— Ўзимга ўхшашни хоҳлайман. Лекин машхур қизиқчиларимиз — Юсуфжон қизик, Эрка кори, Муҳиддин Дарвешов, Абулқосим Тўйчиевдек устоз

санъаткорларни жуда ҳурмат қиламан. Уларга ўхшашга бизга йўл бўлсин.

— Муסיқа чалиш, кўшиқ айтишга ҳам қизиқасиз, шундайми?

— Ешлигимдан миллий муסיқа асбобларининг ҳаммасини чалишни ўрганганман. Кўшиқ ҳам айтаман. Айниқса миллий мумтоз ашулалар айтишни

жиддий бўлиши керак. Айниқса аёлларга...

— Мана Янги йил бўсағасида турибмиз. Янги — 2002 йилда оқшомхонларга тилакларингиз...

— «Оқшом» газетаси ҳаммамиз учун қадри. Тилагим янги йил ҳаммаларингизга соғлиқ, бахт, омад келтирсин. Обуначилару мухлисларингиз кўпайсин. Ана

шунда газета ижодий ходимларининг иши «беш». Ҳамиша харидорлар кўп, қозғолари мўл бўлсин. Келинг, энди камина кулги сандигидаги бисотларидан бир шингилини оқшомхонларга тўхфа этсин...

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош
Дилором ИКРОМОВА

РАНГ-БАРАНГ ДУНЁ

Ҳар бир байрамнинг ўзига хос хусусияти бор. Лекин барча байрамлар орасида Янги йил байрами ҳаммада кўтаринки кайфият уйғотиб, ўзгача кувонч бахш этгани маълум. Янги йил байрами турли мамлакатларда ҳар хил вақтда, турлича урф-одатларга кўра кутиб олинса-да, барибир ҳамма жойда шоду хуррамлик, куй-кўшиқлар янграйди.

Қаерда ва қачон?


• **ЯПОНИЯ**да Янги йилни тонгда қувш чикиши билан кутиб олишади. Янги йил кечаси ибодатхоналардаги кўнжироқлар 108 марта бонг уради. Чунки Японияда 100 ва 8 рақамлари бахтли рақамлар ҳисобланади. 10 бонг урилганда ҳамма жой-жойига етган бўлиши керак. Акс ҳолда Янги йилни кутиб олишдан кечикади.

• **КУБА**да Янги йил 31 декабрь тунда кутиб олинади. Кубаликлар ҳаётимизи ширин ўтсин дея соат тунги 12 да соатнинг ҳар бир бонг уришида бир гужумдан узум ейишади.

— СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ Ҳам кулсам, ҳам кулдирсам дейман

Кулги ҳаётнинг қудратли қуролларидан бири, бахтиёрлик белгисидир. Маълумки, ҳаммамиз «Обид—А» театрининг таникли қизиқчиларидан бири Ботир Муҳаммадхўжаевнинг ичакузди хангомаю латифаларини кўп бор марок билан тинглаганмиз.

У турли қиёфадаги қаҳрамонларнинг характери тўла очиб бера оладиган истеъодли санъаткор. Бугун Янги йил байрами арафасида Ботир Муҳаммадхўжаев «Оқшом» тахририяти меҳмони.



ёқтираман. Шунингдек китоб менинг энг яқин дўстим. Китоб кўшиқ, таржима қилишга қизиқаман. Уйда ўз кутубхонам бор. Ҳозир италян драматурги Эдуардо де Филиппонинг бир-икта асарини таржима қилдим.

— Оилада, аёлингиз, фарзандларингиз билан ўзаро муносабатда жиддиймисиз ёки уларни кўп кулдирасизми?

— Қасбим қизиқчи бўлгани билан оилада албатта оталар

Кулги сандигидан...

— Сиз ўғирлик қилаётганингизда қари онангизни ўйламадингизми? — деб сўради судья ўғридан.

— Кўп ўйладим, ўртқ судья. Аммо бу дўкonda биронтаям онамга лоик кийим йўқ эканда, — деб жавоб берди ўғри.

Талабаларнинг тақсимот ко-

миссияси раисига қараб бир талаба деди:

— Домла, мен узоқ жойга боролмайман.

— Нега боролмайсиз? — сўради раис.

— Чунки ўзингиз имтиҳон вақтида «бу илминг билан узоққа боролмайсан», дегансиз-ку, — деди талаба.

НАЗАРМАТ

МУШОИРА

Шаҳримни табриклар Янги йил келур

Янги йилни қутлар пойтахт оқшоми,
Шода чироқларда, учқунларда бонг,
Айланур шаҳримнинг қутлов май жоми,
Гулгун чехралардан бўса олар тонг.
Саломда икки йил, икки дил шодмон,
Тарих варағини кузатар бири,
Янгиин бағрида шараф армуғон,
Истиқбол йўлида она ер меҳри.
Мингўрик дер минг йил нафаси менда,
Шоши майдонлар дер бобо калоним,
Энди шарафим бор таги заминда,
Йўловчилар ўтса айтшлар номим,
Ҳа манман Мингўрик, Тахтапул, Хадра,
Бў шаҳри азининг қадимжойиман,
Кўҳна Шарқнинг қадим Инак йўлида,
Эллар орзусининг дил чиройиман.
Бошланган Янги йил нурунийлигим,
Истиқлол шарафини қутлайди аҳлим,
Бошланган тарихим истиқболлигим,
У боғи баҳорим, у ҳаёт баҳрим,
Чирчиқ дер шаҳримга оби равонман,
Маширқ чўққилардан бошланар йўлим,
Неки бор заминда у менинг жоним,
Ҳаётбахш меҳримдан баҳраманд элим.
Табаррук шаҳримнинг қадим йўллари,
Зиёрат, тиждорат макони бўлган,
Янги у ўн йиллик баҳор йўллари,
Бахтим у тарихим, достони бўлган,
Хилтирар Ҳумоли тугим бошида,
Юлдузлари куйлар Янги йил мадҳин,
Туй букун шаҳримнинг ичи, тошида,
Сўйлайди элимнинг шавкату, шаҳдин,
Кўёшни кутгандай субҳи саболар,
Биз кўёш фарзанди, озод диёримиз,
Шаҳримда Янги йил шодлик наволар,
Хур элимиз, хур элга абадий бормиз,
Бонг урар улғувор шаҳрим соати,
У элим Янги йил табриги эрур,
У судо навбахор, эл саодати,
Шаҳримни табриклар Янги йил келур.

Шотландиялик ўртоғига дейди:

— Биласизми, Янги йил арафасида Австралиядан — акамдан мактуб олдим. Ийгирма йилдан бери ундан хат йўқ эди...

— Ҳўш, ишлари қалай экан?
— Билмадим. Мактубни пул тўлаб олиш керак экан, олмай кўя қолдим.

— Хоним, эрингизга тинчлик керак, сира ҳам ҳаяжонланмансин.

— Яхши, доктор, лекин мен янги пальто олмасам ҳеч иложи йўқ-да.

ХАНДАЛАР

— Кечирасиз, — дея мурожаат қилди танаффусдан кейин бир томошабин қаторнинг четида ўтирган одамга, — спектакль бошланишидан аввал сизнинг оёгингизни босиб олудим-ми?

— Ҳа.
— Демак, менинг қаторим шу экан. Қани, ўтиб кетай.

Мусобақа вақтида ҳаддан ташқари кўп бақирган ишқибоз:

— Овозим йўқолиб қолганга ўхшайди.
Кўйиниси:

— Хавотир олманг, овозингизни менинг чап кулогимдан топасиз.

— Газетада юз ёшга кириш учун нима ишлар қилиш кераклиги ҳақида зўр мақола босилибди, — дейди эр хотинига.

— О, шунақами? Қани, бер, ўқиб чиқай...

— Хо-о, икки дунёда ҳам бермасман...
Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ

Маржабо,

ҲАНГОМАЛАР

— Дадаси, 31 декабрь менинг ҳам туғилган куним, ҳам Янги йилни кутадиган кун-а?

— Биламан, онаси, дастурхонни пешиндаёқ ёзиб, ошнинг гуручини соладиган қилиб кўяман-у ишхонага кетаман.

— Нега энди?

— Ахир мен навбатчиман-да.

— Ҳар йилви навбатчилик қилаверасизми, Сиз ҳам бошқа эркакларга ўхшаб қўшалок байрамда болаларингиз билан бирга бўлмайсизми?

— Худо хоҳласа, келаси йил пенсияга чиқсам, доимо Янги йилни бирга нишонлаймиз, фариштам.

Хотин:
— Ишхонада Янги йил кечаси навбатчиман, деб Халқлар дўстлиги саройида учинчи

қаторда гул кўтариб ўтирган ёнингиздаги унга тушган каламушдай пардоз қилган аёл ким эди?

Эр:
— Унга мен қарабманми, билмаман, ким экан у?

Хотин:
— Ҳа-а-а-а, шундайми, ундай бўлса, қоп-қора қўлга қўлингизни қўйиб ўтиргангизни телеоператор кўрсатди-ку!

Эр:
— Биласанми, хотин, ўша оператор душманам эди.

Хотин:
— Шундайми хали?!

Эр:
— Эй, кечир, фариштам, мен сен ёнимда ўтирибсан дебман-да.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ





Янги йилни биров денгиз остида говвосларнинг скафандрда кутса, бошқаси Париждаги Эйфель минорасининг устида кутар эмиш. Юнусободнинг чанг кўчаларида чиллак ўйнаб катта бўлган улфатлар, янги йилни Тошкент «томи»да кутиб олиш учун костюмни елкага ташлаб тоққа равона бўлди.

Жўрабошимиз Соли совуқ ўтган шанбада, Чорсу ҳаммомининг иссиқхонасида Янгибод бозорига аччиқ бодом сотадиган танти бир йигит билан танишиб қолибди. Бодомфуруш: «Янги йилни бизнинг қишлоқда, яъни Тошкентнинг «томи»да кутиб оламиз. Борсаларинг оёқларинг остига биттадан кўй сўяман, — деб ваъда берган экан.

Мана, оёқларимиз остига нисор бўладиган кўйларни кўз олдимизга келтириб, Тошкент — Чорвоқ йўлида энгил машинамиз шамолдек елиб борапти. Олдинги ўриндикда очилиб-сочилиб бораётган Соли совуқнинг оғзи тинмай жаннатий манзарани чизиб борарди. Мана Тошкент «томи» устида кўлларда қадаҳ билан янги йилни қаршилаяпсиз.

Бир томонда таъми димогинизга урилаётган янги сўйилган кўй гўштининг жигар қабоби, бир қозонда димлама, бошқасида қайнатма, кўрада тандир қабоб. Ташқарида қурбонликка аталган кўйлар... Атрофда оппоқ қор. Соат роппа-роса ўн иккига бонг урганда қадаҳларни шундай уриштирайликки, унинг овози Юнусободнинг чанг кўчаларида ҳам эшитилсин.

Машинамиз ҳаллослаб Чорвоққа етиб келганида тўрт тарафимизни ўраб турган тоғлар қақирилмаган меҳмонларга хўмрайиб қараб турарди. Йўл четига чўл ялғиз сотиб ўтирган отахондан нон раган эдик, йўқ экан. Оч қоринга қўшиқ айтиб яна йўлга тушдик. Ва ниҳоят бешта тепалик ошиб бодомфуруш тайин қилган манзилга етиб келганимизда, чор атрофни тун пардаси чулғаб олган эди. Тошкентнинг «томи» устида биронта тирик жон топиш умидида, машинадан ташқарига мўралашимни билламан, бурунни совуқ ялаб кетай деса бўладими. Жон ҳолатда ўзимни ичкарига олдим. Қандай қилиб бўлмасин, Янгибод бозорига аччиқ бодом сотадиган мезбоннинг уйини топиш даркор эди. Лекин эшак ўлдирадиган бу совуқда иссиқ машинадан чиқадиغان азамат қани?! Кўкдаги юлдузлар мазах қилгандек машина ойнасидан мўралаб турарди. Биринчи бўлиб, бизни бу гадои топмас ерга бошлаб келган Соли совуқнинг тиши тақиллай бошлади.

«Девонанинг ишини худо ўнлапти» деганларидек, шу пайт ма-

шина ойнасидан биров мўралагандек бўлди. Хайрият, бодомфуруш шу ерда экан деб, яхшироқ тикилган эдим, номаълум жонзотнинг тумшугига кўзим тушдию, оч бўрига учрадик, деб ўзимни таппа пастга ташладим. Аммо ойнадан мўралаган жонивор эшак экан. Эшак бўлганда ҳам ёлғиз эмас, устида икки боғ ўтини билан, одами ҳам бор. Қишлоқ одамлари содда бўлади-да. Эшак минган йўловчи аҳолимиздан хабар топиб, ачинди шекилли, эшагидан тушиб кимниқига келаётганимизни сўради. Буни қараңки, дўстимиз Тошкент «томида» бўладиган баъзи жамшидни ўйла-

тию, бодомфурушнинг исмини сўрашни унуттипти. Бу камлик қилганидек, биз тўхтаган ерда аҳоли яшамас, қишлоқ тепаликда экан.

Яланг қават усти-бош билан варракнинг дандирагидек дириллаб машинадан пастга тушдик. Чойшабдек юпка костюм устидан машинанинг ғилофига ўраниб,

эшакнинг думига осилиб, чумолидек тепаликка тирмашдик. Ярим кечада тўрт азамат ҳаммомнинг иссиқхонасида, Соли совуқ билан пивоўрлик қилган бодомфурушнинг уйини топиш учун қор босган қишлоқ кўчаларида эшикма-эшик изғий бошладик. Қайси эшикни тақиллатмайлик аввалга бузоқдек келадиغان бўрибосар ит ярим соат ириллаб, сўнгра хонадон сохиби усти-бошимизга кўзи тушиши билан биз қидирган одамни танимаслигини айтиб, эшикни қайтадан тамбалаб олади. Биз бўлсак айикдан қочган кучук боласидек бир-биримизнинг пинжимизга тикилганча навбатдаги эшикни тақиллатишга тушамиз. Охири бир савобталаб кампир олтига ёғочдан нари-бери эплаштирилган тўсикни олиб бизни ичкарига қўйди. Бир тишладан қотган нон еб, бир пиёладан чой ичганимиздан кейин, тилимиз гапга қовушди. Кампирнинг айтишига қараганда, бу қишлоқни Майдонтал деб аташар, шаҳардан келган меҳмонларга, бу ер — Тошкентнинг «томи», дея ҳазиллашар экан. Аччиқ бодом сотадиган йигит эса қишлоқнинг кўпчилик ёшлари қатори «ёғлиқ жойни» кўмсаб қишлоқдан кўчиб кетган экан. Кампирнинг гапи шу ерга етганида олис-олисларда мушак отилиб, Янги йил кирганидан дарак берди. Кўзимизда алам, дилимизда ҳавас билан уйдан ҳовлига чиқдик. Тепамизда юлдуз тўла осмон, оёқ остимизда оппоқ қор, пастликда ўчоқдаги оловдек Тошкент чироклари жимирлар, унинг томида эса тўрт азамат 20 даражалик совуқда шағамдек қотмаслик учун оч қорин билан «Андижон полькаси»га рақс тушиб Янги йилга кириб келдик.

Жўра МАҲМУД

РАНГ-БАРАНГ ДУНЁ

• **ХИНДИСТОНДА** Янги йилни расмий ҳолда 1 январда нишонлашади. Лекин аҳоли Янги йилни бир неча хил эски ҳисобларга кўра кутиб олади. Масалан, Янги йил мамлакат шимолида 13 апрелда, жанубида мартда, ғарбида октябрда, Кербала штатида июль ёки августда нишонлашади.

ТОМДАГИ ТОМОША

Ҳажвия

Қаерда ва қачон?

Ҳиндистонда ҳам Янги йил кўёш чиқиши билан кутиб олинади.

• **ИТАЛИЯДА** Янги йил кечаси итальянлар ўз уйларидаги керак эмас уй жиҳозларини, ёрилган идишлару синган стол-стулни, хуллас барча эски-тускини ташқарига улоқтиришади. Шундай қилганда Янги йил хонадонга бахт келтиради деб ўйлашади.

• **БИРМАДА** Янги йил байрами йилнинг иссиқ мавсумида нишонланади. Байрам куни бирмаликлар хоҳ қариндош-уруғлару, хоҳ таниш-нонаниш бўлсин, дуч келган одамнинг устига сув қуяверилади. Чунки сув бахт-саодат келтираркан.

Азамат ШОКИРОВ

Янги йил!

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИНГИЗГА

Тортларнинг энг ширини

Маълумки, тирикликнинг файзи дастурхон биландир. Дастурхон оила аъзолари, қавму қариндош, дўст-биродарларни бир-бири билан боғлайдиган шарофатли риштадир. Ёзғилик дастурхондан, аввало, уй бекаснинг диди, зийраклиги ва эпчиллиги акс этиб турса, иккинчидан, мезбоннинг сизга бўлган ихлос ва эътиқоли ҳам аён бўлади. Азиз уй бекалари, марҳамат, тортларнинг энг ширини билан байрам дастурхонингизни безанг.

Янги йил тортига масаллик: 200 грамм маргарин, 4 дона тухум, 0,5 стакан сут, сода, узум шарбати, 0,5 стакан шакар.

Тайёрлаш: маргарин билан шакар яхшилаб кўпиртирилади. 1 талдан тухум сариги қўшиб, сўнг гўшт майдалагичдан ўтказилган пряник, сут, майдаланган ёнғоқ мағзи, озгина сода кўшилади. 2 ош қошиқ шакар билан кўпиртирилган тухум оқини солиб, ҳамма нарса яхшилаб аралаштирилади. Тортни ёлланган қолипда ўртача ҳароратда пиширилади. Торт совутгандан кейин 3 қисмга бўлиб крем суртилади.

Крем тайёрлаш: 1 стакан сут, 0,75 стакан сув, 3 дона тухум, 400 грамм сариёғ, 50 грамм какао.

Масаллик: 17 та тухум, 2 стакан шакар, 300 грамм қант уни, 850 грамм ун, 300 грамм сариёғ, 2 та тухум сариги, ярим стакан сут, 200 грамм какао, 200 грамм шоколад, 20 грамм коньяк, 1 стакан ёнғоқ мағзи.

Тайёрлаш: тухум оқини шакар билан кўпиртириб, ёнғоқ мағзи ва ун қўшиб аралаштирилади. Хамирдан қулчалар ёйиб пиширилади. Устига крем суртилгандан кейин шоколад ва эритилган сариёғдан тайёрланган глазурь қўйилади. Тортга безаклар берилади.

• **«Меҳр» тортига крем тайёрлаш:** тухум оқи шакар билан кўпиртирилади ва иссиқ сут қўйилади. Масаллик совутгач, юмшатирилган сариёғ, коньяк, какао ва тухум қўйилади.

Янги йил деганда ок пўстин, бошига қизил қалпоқ кийиб, кўлига хасса ушлаган ва елкасига совғалар тўла қопчик ортиб олган узун соқолли афсонавий нуроний чол — Қорбобо кўз олдимизга келади. Лекин унинг қачондан бери бизнинг янги йил меҳмонимиз бўлиб қолганини кўплар билмас керак.

БУ — ҚИЗИҚ

Қорбобо неча ёшда?

Қорбобо жуда қари — минг ёшдан ошиб кетди. Даставвал, мажусий диний тасаввурда Қорбобо шимолидаги совуқ шамол худосининг тимсоли бўлган. Афсоналарга кўра, бу худо муздан қурилган қасрда ҳар йил қишда Кўёш юзини тўсиб, фақат баҳордагина унинг юзидан пардани олармиш.

Кейинчалик у муз билан дарёни занжирлаётган пахлавон темирчи, сўнгра эса бизга таниш Қорбобо тарзида ифода қилинадиган бўлди. Вақт ўтиши билан Қорбобо мажусийлар динидаги муқаддаслик маъносини йўқотиб, одамларнинг дўстига айланди.

Янги йил кириши арафасида у хар турли совғаларга тўлдирилган қопчигини елкасига ортиб, инсонларни бахт-саодат ила табриқлаш учун узок шимол ўрмонларидан келади.

Қорбобонинг бир елкасида арча, бир елкасида қопчик олиб ўрмондан чиқиб келаётгани кўпинча янги йилга атаб чизилган расмларда тасвирланади. Зеро, янги йил байрамида фақат Қорбобо бўлиши кифоя эмас, балки арча ҳам бўлиши керак-да!

Финларда Қорбобо ўрнига болалар ҳузурига қизил пўстин ёпинган... эчки келиб, совға-салом улашади. Хуллас, Қорбобо ҳам, Қорқиз ҳам, арча ҳам Янги йил элчиси ҳисобланиб, эзгу мақсад учун хизмат қилади.

Азиз ВАЛИЕВ тайёрлади.



Яхши кайфият доимо ёр бўлсин.



Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ УЎГАНИБ ДОМО БУЛАВ...

- Узоқ шармандали умрдан кўра, қисқа, ҳалол умрни ҳамisha афзал кўр.
- Агар ҳалол иш тутаман десанг, кўпчилик манфаатини кўзла ва фақат унга эътиқод қил. Шахсий манфаат кўпинча янглиштиради.
- Агар одам ҳалолликдан юз ўгирса, шу қадар беҳисоб ярамас иллатларга берилиб кетадики, оқибат — натижада ҳаётнинг нопок йўлларида юришга одатланиб қолади.
- Ҳалол одамнинг таъмага учмайдиган ҳалол назари доимо муттаҳамларни тахликага солгани-солган.
- Машҳур олимлардан Абу Мансур ас-Салобий айтади:
 - Мулоимлик дарахтини эккан киши, саломатлик меvasини теради. Кийналишдан кўрқиб ўрганишни давом эттирмаган киши, илмни эгаллай олмайди. Тўғри, ҳақ гапирган киши ҳамманнинг ишончини қозонади. Душман билан яқинлашган кишидан унинг дўстлари қочадилар. Ишини оқибатини ўйлаган киши фалокатлардан омон қолади.
 - Низомиддин ибн Хусайн шундай дейди:
 - Кўрқоқлик сифати энг ёмон ва зарарли сифатдир. Ёшлиқдан бошлаб кўрқоқликка одатланган болалар улғайганларида ҳам кўрқоқ бўлиб қоладилар. Бир ишга бел боғлаб ғайрат билан кириша олмайдилар. Нодон ва тарбиясиз кишиларнинг сўзларига ишониб, залолат ва қоронғиликка қоладилар, тўғри йўлдан озадилар.
 - Болаларингизни кўрқоқлик сояси сари яқинлаштирмаган, улар арслон юракли бўлиб етишсинлар. Ҳеч нарсадан кўрқмайдиган, ғайратли, матонатли, ишчан бўлсинлар.

Байт:
Довурак бўлгил, болам, кўрқикча ҳеч йўл бермагил,
Тарбиясизлар гапин асло қулқоқ олмагил!
 • Олимлардан Сайид Али Ҳамадоний айтади:
 — Фалокатга дучор бўлишни истамасанг мағрур ва мутақаббир бўлма. Рохатда яшашни истамсанг, дилнинг хирсдан пок қил. Хор, зорликни истамасанг таъмагир бўлма, ўзингга яхшилик қилинишини истамсанг яхшилик қил, ҳеч кимга озор берма, яхшиликни улуг иш деб бил. Қадр-қимматинг ошишини истамсанг баъланд ҳимматли бўл, ишинг пўшаймонлик билан натижаланишини истамсанг аввал яхшироқ ўйлаб, доно тажрибақорлар билан келишиб сўнгра ишга кириш. Ўзингиз ҳаммага севдиришни истамсанг, феъл-атворларингизни тузат, адабли, тарбияли бўл. Обрўга, иззат ва ҳурматга эга бўлишни хоҳласанг ҳалол меҳнат қил, фидокорона ишла. Ҳамманнинг қошида ишончли, марғуб ва макбул одам бўлишни тиласанг, ёлғончиликдан сақлан, чакимчи- ивгогар бўлма, маъносиз, тутуруқсиз сўзларни сўзлаб юришдан ҳазар қил. Мабодо ўнғайсиз ҳолда қолсанг, ишингда муваффақиятсизликка учраб, қайғу, ҳасрат ичида қолсанг, дод-фарёд қилиб юрма, сабр қил, ўнғайсиз ҳолдан қутулиш чорасини кўр.

Байт:
Сен қазо-ла қатлашиб йиғлама, кўп етса алам,
Сенинг минг йиғлаганинг бирла қазонинг иши йўқ.
Ғам-аламдан қутулмоқлик чорасини кўрсанг агар,
Тинч роҳатда яшайсан, ранку жафонинг иши йўқ.
 Ҳамиятли одам панох истаб келганларни ўз панохига олади. Имкони борича уни химоя қилади, зарар етказмасликка тиришади.
 • Ғурур барчага хос хусусият: аммо фарқи шундаки, уни қачон ва қаерда кўрсатишни билиш керак.
 • Тўхтамай гапириб, бировга қулқоқ солмаслик мағрурлик белгиси.
 • Уз-ўзига махлиё одам — аҳмоқ билан сурбет орасидаги дардисар бир нарса: унда аҳмоқдан ҳам, сурбетдан ҳам нимадир бор.
 • Табиат киминдир яхши фазилатлардан қисган бўлса, бу камчиликни у такаббурлик билан ёлмоқчи бўлади.
 • Фақат ўзини ўйлайдиган донолик қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар қабиҳликдир.
 • Юсуф Хос Ҳожиб айтади:
 — Тўғри сўз кўнгилга аччиқ тегади, ҳазм қила олмасанг, унинг манфаати маза беради. Тўғрилик макссадга етказида. Тўғри киши қаерда бўлса ҳам кунлари бахтиёрлик билан кечади, ёруғ кунлари қоронғулашмайди. Халққа манфаат етказган одам чин одам ҳисобланади. Уятсиз киши — кишиларнинг тубани бўлиб, унинг тили тўғри сўзни сўзламайди, кишиларнинг сараси садокатли кишидир. Одам фаросатли бўлса унутмайдиган, ўйлаб иш юритадиган бўлади.

Қадрли «Оқшом» муштарийлари!
 Сиз билан яқуланаётган йилнинг сўнги кунларида юзма-юз кўришиб турганимиздан бағоят хурсандмиз. Утаётган йилмиз, албатта, ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўзининг унутилмас нури изларини қолдирди.
 Бўсагада эса Янги йил, янги режалар. Ижодий жамоамиз Сиз азизларни муаззам диёримизга қутлуг қадамлар билан кириб келаятган Янги — 2002 йил билан самимий муборакбод этиб, Сизга оилавий бахт, соғлиқ-омонлик тилайди. Истардикки, дилнингиз туб-тубида ушалмай ётган нурилы орзулар Янги йилда рўёвга чиксин. Насиб этса Сиз билан газетамизнинг навбатдаги сони — Янги йилнинг қутлуг санаси 2 январь оқшомида учрашамиз.

ЛАТИФАЛАР

- Маст учувчи Янги йил кечаси уйига келиб эшик қоқади.
- Бу ким? — дейди хотини.
 - Ту-134 кўнишга рухсат сўрайди.
 - Қўймайман, сен мастсан.
 - Бўлмаса, бир айланаб келаман.
 - Учувчи уйи бир айланаб, қайтиб келади.
 - Киргизмайман!
 - Ундай бўлса қўшимча аэродромга кетдим.
 - Қўшнисининг уйида ётиб, эрталаб келиб, яна эшик қоқади.
 - Бу ким? — дейди хотини.
 - Ту-134 кўнишга рухсат сўрайди.
 - Кейин келасиз, ИЛ-62 хали учиб кетгани йўқ.

Афанди эшагига узум ортаётган экан, ўйнаб юрган болалар:
 — Ота, бизга ҳам узум беринг! — деб ҳоли-жонига қўйишмабди.
 Афанди қараса бўлмайди, болаларга бир бошдан

узум берса, хуржуниди узум қолмайдиганга ўхшайди. Бир донадан узум берибди.
 — Ота, яна беринг, — деб қўйишмабди болалар.
 Шунда афанди қулиб:
 — Хуржундаги узумларнинг мазаси бир хил. Битта-сини есанг ҳам, бир бошини есанг ҳам — ўша таъм, фарқи йўқ, — деган экан.

Янги йилда арафасида бир танноз аёл тикувчига келиб:
 — Менга оламда йўқ, чиройли қўйлақ тикиб беринг, — дебди.
 — Яхши, — дебди тикувчи, — ундай бўлса, сиз менга Янги йилда душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, яшанбадан бошқа кунни келинг.

Эрталаб бир қария тумангаз бўлимига кўнғироқ қилади.
 — Болам, газнинг қулоғини очиб қўйганимга ярим соат бўлди ҳам ёнмайди, — деб арз қилибди.
 — Бувижон, гугурт ёқдингизми?
 — Вой, эсим курсин, қариллик деб шунга айтар экан-да, гугурт чакайин!

Кидирбў ТўЛАБОВ тайёрлади.

РАССОМ ХАНДАСИ



Сўзсиз сурат



Қорбобо, мана, Янги йилда тутилган неварангизини олинг. Абдурашул Ҳакимов чизган расмлар.

Марҳабо, Янги йил!

Янги йил оқшомида

Бошқотирма

Жавоблар белгиланган хонадан рақам атрофи-га соат мили йўналишида ёзилади.

1. Янги йил даракчиларидан бири.
2. Маълум бир муносабат билан тақдим этиладиган нарса.
3. Баъзи турни қишга сақланадиган полиз экини.
4. Қўнланаётган йилнинг чемпиони бўлган футбол бол команда.
5. Бирор воқеа ёки ҳодисанинг бошланиши арафаси.
6. Кузатилаётган йилнинг энг мохир тўпурари бўлган ўзбек футболчиси.
7. «Жаҳон чемпиони» сифатида тарғиб қилинаётган чой нави.
8. Серхашам ёритғич.
9. Мусобақа, кўрик-танлов голиби сазовор бўладиган нарса.
10. Маълум бир фаолиятнинг аввали, илк даври.
11. Кино лентасидаги ҳар бир ёзув.
12. Баҳор гули.
13. Ўзбек халқ оммавий рақс кўйи.
14. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида амал қилинаётган йил ҳисоби.
15. Юз йиллик даврни ўз ичига олган вақт бирлиги.
16. Маълум бир худуднинг тугайдиган жойи, чегара.
17. Инъом қилиш, бахш этиш.

Муаммонома

Бошқотирма жавоблари асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчи сўз, иккинчиси харф тартибини англади) харфлар билан алмаштириб муаммоноmani ҳал этинг.

14-1; 15-1; 2-1; 6-1; 1-6. Улардан аён бўладиган ном кузатилаётган йилда автомобилсозлик саноатимиздаги ангилкини англади.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг шу йил 21 декабрь сонида берилган «Б» харфли бошқотирманинг жавоблари:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Байрам. 2. Барқаш. 3. Бахмал. 4. Бархан. 5. Барқак. 6. Байқал. 7. Бурган. 8. Бургут. 9. «Бузурук». 10. Булбул. 11. Бамбук. 12. Балхаш. 13. Баобаб. 14. Бернал. 15. Беляев. 16. Бомбей. 17. Бехзод. 18. Бункер. 19. Бойсун. 20.

Болқон. 21. Богбон. 22. Босқон. 23. Бостон. 24. Болдоқ. 25. Байроқ.

Муаммонома

Оқчиқ сўзлар: 1. Буваки. 2. Бирма. 3. Бошқоқ. 4. Бонг. 5. Бўлим. 6. Бёр.
Ҳикмат: Ақл эр қишга минг укунинг боши бўлур.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилмиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Масхаси: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
 хатлар — 133-29-70;
 эълонлар: 133-28-95, 133-11-39;
 факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажин — 2 босма табоқ объект усулида босилади.
 2668 нускада босилади. Қоғоз бирими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
 Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақамли бемаъл рўйхатга солинади

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича тузар жойларга почта буписларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбос ақциядорлик компанияси бошмақониси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.